БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 8 (17.001). ● 10 январь 1978 йил, сешанба ● Баҳоси 2 тийин.

ЗАРБДОР ЙИЛНИ ЗАФАРЛАР ЙИЛИГА АЙЛАНТИРАЙЛИК

●

РЕСПУБЛИКАМИЗ САНОАТ ХОДИМЛАРИНИНГ ДАДИЛ ОДИМЛАРИ

●

ЭНЕРГЕТИКАМИЗ КАТТА ЙЎЛДА

САМИМИЙ ҚУТЛОВ

Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Чехословакия Социалистик Республикаси Президенти

ўртоқ Густав ГУСАККА

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Совети Президиуми Сизга, Чехословакия Социалистик Республикасининг атоқли партия ва давлат раҳбарига, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг таниқли арбобига олтмиш беш йиллик юбилейингиз муносабати билан энг самимий қардошлик қутловларини йўллайди.

Чехословакия меҳнаткашларининг социализм йўлидаги кураши билан чамбарчас боғланган ҳаётингиз ва фаолиятингиз туфайли Сиз эътиқодли марксчи-ленинчи ва изчил интернационалист сифатида юксак обрў-эътиборга сазовор бўлдингиз. Коммунистлар совет кишилари Сизни мамлакатимизнинг қадрдон дўсти сифатида яхши танийдилар ҳамда СССР билан ЧССР ўртасида қардошларча дўстлик ва ҳар тарафлама ҳамкорлик ишига социалистик ҳамдўстликни халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг бирлиги ҳамда жипслигини мустаҳкамлаш ишига қўшган ҳиссангизни юксак қадрлайдилар.

Азиз ўртоқ Гусак Сизга сиҳат-саломатлик ва социалистик Чехословакиянинг бахт-саодати йўлида, партияларимиз билан халқларимиз ўртасидаги мустаҳкам интернационал қардошлик манфаатлари йўлидаги самарали фаолиятингизда катта-катта муваффақиятлар тилаймиз.

Коммунистик салом билан

Л. БРЕЖНЕВ.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЧЕХОСЛОВАКИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БОШ СЕКРЕТАРИ, ЧЕХОСЛОВАКИЯ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЎРТОҚ ГУСТАВ ГУСАКНИ ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

СССР билан ЧССР халқлари ўртасида қардошларча дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантиришга, тинчлик ва социализмни мустаҳкамлаш ишига ғоят катта ҳисса қўшганлигини тақдирлаб ва туғилган кунига олтмиш беш йил тўлиши муносабати билан Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Чехословакия Социалистик Республикаси Президенти ўртоқ Густав **Гусак Октябрь революцияси** ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1978 йил, 9 январь.

УЮШҚОҚЛИК ВА МАСЪУЛИЯТ БИЛАН ИШЛАЙЛИК

Янги йилнинг биринчи кунлариданоқ зарбдорларча ишлаймиз! Совет кишиларининг фикри-зикри ва ишлари мана шу ватанпарварлик муддаолари билан тўлиб-тошган. Улар КПСС Марказий Комитетининг 1977 йилги декабрь Пленуми қарорларини бажонидил қабул қилиб, бу қарорларни ишлаб чиқариш самарадорлигини ҳамда иш сифатини янада оширишнинг чуқур асосланган пухта программаси деб билмоқдалар, беш йиллик учинчи йили топшириқларини бажарибгина қолмай, балки ошириб бажариш учун бутун куч-ғайратларини сарфламоқдалар.

Партия, давлат ва хўжалик раҳбарлигининг барча бўғинларида уюшқоқлик билан ишлаш ва масъулият сезиш муваффақият қозонишнинг асосий шартларидан биридир. Замоннинг талаби шу. Ишнинг миқёси кенгайиб, ҳал этилиши лозим бўлган вазифалар мураккаблашган сари ишни мувофиқлаштириб олиб бориш, омилкорлик, интизом шу қадар муҳим бўлиб қолади. КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг якунларини ва шу Пленумда Марказий Комитет Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев сўзлаган нутқдан келиб чиқадиган вазифаларни муҳокама қилаётган партия комитетлари пленумлари ва актив йиғилишларининг диққат марказида шу масала турибди. Бу масалалар объектив равишда, қилинган ишларга танқидий ёндашиб, тўпланган тажрибаларни умумлаштириш ва фойдаланилмаётган резервларни аниқлашга интилиш руҳида муҳокама қилинмоқда. Коммунистлар партия томонидан қўйилган вазифаларни муваффақиятли рўёбга чиқариш учун амалий чораларни белгилаб, хўжалик ишларига раҳбарликнинг услуби ва методларини янада такомиллаштириш алоҳида аҳамиятга эга эканлигини уқтириб ўтмоқдалар.

Район ва шаҳар партия комитетларидан бошлаб область, ўлка комитетлари ва иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларигача барча партия комитетларининг биринчи навбатдаги вазифаси — қабул қилинган планларнинг бажарилиши устидан қаттиқ контролликни уюштиришдан иборат. Тажриба шуни кўрсатиб турибдики, шундай қаттиқ контроллик бўлмаган тақдирда энг яхши орзу-тилаклар ҳам амалга ошмай қолаверади. Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш, буюмларнинг сифатини яхшилаш ва иқтисодий тежашни кучайтириш каби катта ва мураккаб проблемалар улар билан ондасонда эмас, балки системали равишда, изчиллик, собитқадамлик билан шуғулланишни талаб қилади.

Маълумки, партиявий контролликнинг кучи ўтказилган текширишларнинг ёки қабул қилинган қарорларнинг сони билан ўлчанмайди. Энг муҳими — партиявий контролликнинг сифатида, самарадорлигидадир. Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг пленумида шундай бир мисол келтирилди. Жезқозғон область комитети кейинги икки йил ичида капитал қурилишига доир масалаларни ўн беш марта муҳокама қилган. Лекин бу тўғридаги гап-сўзлар одатдагидек юзаки бўлиб, қабул қилинган қарорларнинг ижроси эса бўш текширилган. Областнинг қурилишларида аҳвол сира ҳам яхшиланмаганлиги ажабланарли бир ҳол эмас.

Масъулият эгасиз бўлиши мумкин эмас. В. И. Ленин уқтириб ўтганидек, масъулият шахсий, мана шунинг учун ҳам хўжасизлик ёки давлат интизомини бузиш фактларини шунчаки айтибгина ўтмасдан, балки албатта шу ўпирилиш учун айбдор бўлган шахсларни аниқлаш, улардан конкрет равишда ва қаттиқ жавобгарлик талаб этиш керак. Бундай камчиликларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишининг олдини олиш яна ҳам муҳимроқ ишдир, албатта. Партия комитетлари, партия аппарати ходимлари жойлардаги вазиятни яхши билишлари, ишни синчиклаб ўрганишлари, ўз вақтида зарур чоралар кўришлари керак.

Яқинда Озарбайжон Компартияси Марказий Комитети Шемаха район партия комитети раҳбарларининг ишидаги жиддий хатоларни очиб ташлади. Район партия комитетининг бюроси ўз бурчини жуда қониқарсиз бажарган, ошириб ёзишларга, катта моддий ва маънавий зарар етказган ҳар хил салбий ҳолларга муросасозлик билан қараб келган, деб топилди. Партиявий нормалар ва принципларни қўпол равишда бузганлиги учун район партия комитетининг собиқ биринчи секретари С. Саилов КПСС сафидан чиқарилди. Бюронинг баъзи бошқа аъзолари ҳам қаттиқ жазоланди. Кўрилган чоралар тўғри албатта, аммо бу район кейинги йилларда республикада энг яхши район, деб ҳисоблаб келинганига ҳам эътибор бермай бўлмайди. Ахир фош қилинган камчиликлар бир кунда содир бўлган эмасу! Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг бюроси республика Компартияси Марказий Комитетининг бўлимлари баъзан районлардаги аҳволдан яхши хабардор эмаслигини, меҳнаткашларнинг оғзаки ва ёзма сигналларига эътиборсиз қараётганлигини, асосан жойлардаги раҳбарлардан олинаётган ахборот билан қаноатланиб қолаётганлигини ҳақли равишда таъкидлаб ўтди.

Давлат интизомини мустаҳкамлашда министрликлар ва идоралар катта роль ўйнайди. Улар ўз тармоқларида пухта, самарали ишни таъминлашлари, планларнинг асоссиз равишда ўзгартирилишига хотима беришлари лозим. Чунки, бундай ҳоллар баъзи корхоналарнинг раҳбарларига номуносиб равишда илғорлар қаторида туришга имкон беради. Аппарат фаолиятини яхшилашга активроқ таъсир кўрсатиш — министрликлар партия ташкилотларининг бевосита бурчидир. Бошқариш услубини такомиллаштириш, партия ва ҳукумат директиваларининг бажарилиши учун ходимларнинг жавобгарлигини ошириш кўп жиҳатдан министрлик партия ташкилотларига боғлиқдир. Ҳозирча бу имкониятлардан баъзи жойларда яхши фойдаланилмаяпти.

Украина Компартияси Марказий Комитетининг Пленумида, жумладан республика Энергетика ва электрлаштириш министрлиги, Бинокорлик материаллари саноати министрлиги ва бошқа баъзи министрликларнинг партия ташкилотларида турдош тармоқларнинг, моддий-техника таъминотининг камчиликлари бемалол танқид қилингани ҳолда айни вақтда ўз аппаратларидаги нуқсонлар тўғрисида камдан-кам гапираётганликлари уқтириб ўтилди. Ҳолбуки, бу министрликларда юзакичилик, ҳадиксираш, масъулиятсизлик оз эмас. Пленумларда, актив йиғилишларида, бир қанча марказий ва республика министрликлари шаънига ҳам жиддий эътирозлар билдирилди. Танқиддан хулосалар чиқариш, камчиликларни бартараф этиш учун конкрет чоралар кўриш керак, албатта.

Планларимизнинг тақдири меҳнат коллективларида ҳал бўлади. Уларнинг 1978 йил учун қабул қилган мажбуриятлари аввало иш самарадорлиги ва сифатини оширишга қаратилгандир. Меҳнат интизомини, технология, план интизомини ҳар қандай бузишларга нисбатан муросасизлик вазиятининг вужудга келтирилиши белгиланган тадбирларнинг бажарилишига ёрдам беради. Шундай вазият яратилган жойларда прогулчилар ва дангасаларга ўрин йўқ. Ҳар бир совуққонлик ва брак маҳсулот ишлаб чиқариш фактига принципиал баҳо берилади. Бошланғич партия ташкилотлари худди шу масалаларга алоҳида эътибор беришлари керак. Калуга машинасозлик заводининг темирчиси И. Евстигнеевнинг яқинда «Правда»да эълон қилинган мактубида шу ҳақда тўғри айтиб ўтилди.

Ҳамма соҳада уюшқоқликни кучайтириш бизнинг жанговар вазифамиздир. Партия ташкилотлари мана шунга қунт билан эришиб, КПСС XXV съезди қарорларини амалга оширишда янгидан-янги муваффақиятларга эришишни таъминлайдилар.

(«Правда»нинг 9 январдаги бош мақоласи).



ЎРТА ОСИЁДА ЭНГ КУЧЛИ

Сирдарё ГРЭСининг еттинчи энергоблоки саноат учун ток бера бошлади. Шу блок ишга туширилгандан кейин ГРЭСнинг қуввати 300 минг киловатт кўпайиб, 2 миллион 100 минг киловаттга етди. Бу ГРЭС Ўрта Осиёдаги энг катта иссиқлик электр станцияси бўлиб қолди.

Энергоблокни монтаж қилиш ва қуриш ишларининг ҳаммаси рекорд даражада қисқа муддат ичида бажарилди.

«Средазэнергомонтаж» тресги Ўзбекистон бошқармасининг мутахассислари турбинани монтаж қилишни нормадаги олти ой ўрнига 45 кеча-кундузда тамомладилар. Шу вақтга қадар Ватанимиз практикасида худди шундай объектлар барпо этишда 57 кунлик муддат рекорд ҳисоблаб келинарди. Меҳнатнинг аниқ ташкил этилганлиги монтажчиларга вақтдан ютиш имконини берди. Коллектив ишларни кеча-кундуз, бутун кучни тўла-тўкис сарфлаган ҳолда олиб борди. СССРдаги илғор монтаж ташкилотларининг ёрдамга келган вакиллари трестнинг энг яхши мутахассислари билан ёнма-ён туриб меҳнат қилдилар.

«Узбекгидроэнергострой» тресги ва унинг ёрдамчи пудрат ташкилотларининг қурувчилари ўз вазифаларини шараф билан уддаладилар. Улар тўпланган тажрибани ишга солиб, йиғма конструкциялардан кенг кўламда фойдаландилар.

Энди Сирдарё ГРЭСининг қурувчилари ва монтажчилари янги вазифани — бу йил 300 минг киловатт қувватли яна бир блок, 8-энергоблокни ишга тушириш вазифасини ҳал этишлари лозим. (ЎзТАГ).

Суратда: Сирдарё ГРЭСининг ишга тушган энергоблокларидан бирининг кўриниши.

А. Горокрик фотоси. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН САНОАТИНИНГ 1977 ЙИЛГИ ИШ ЯКУНЛАРИ

Республика саноати маҳсулотни реализация қилиш юзасидан 1977 йил планини 2,9 процент ошириб бажарди. Саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми 1976 йилдагига нисбатан 4,9 процент ўсди, меҳнат унумдорлиги 3,3 процент ошди.

Қорақалпоғистон АССР, республиканинг ҳамма областлари ва Тошкент шаҳри маҳсулотнинг реализация қилиш йиллик планини бажардилар.

План бажарилишининг кўрсаткичлари қуйидаги маълумотлар билан белгиланади:

	Планнинг бажарилиш процентлари: маҳсулотни реализация қилиш бўйича	ишлаб чиқариш ҳажми бўйича	меҳнат унумдорлиги бўйича	Меҳнат унумдорлигини ошириш суръатлари 1976 йилдагига нисбатан процент ҳисобида
Ўзбекистон ССР	102,9	102,3	102,1	103,3
Шу жумладан:				
Қорақалпоғистон АССР	105,1	102,5	101,4	100,2
Андижон области	105,2	104,8	104,4	103,0
Бухоро области	100,3	100,5	100,2	101,7
Жиззах области	105,4	104,1	105,3	107,2
Қашқадарё области	102,6	101,2	93,7	104,6
Наманган области	103,6	102,7	102,0	101,6
Самарқанд области	102,6	102,4	102,2	105,7
Сурхондарё области	105,1	103,4	103,6	106,6
Сирдарё области	104,5	102,3	101,0	106,1
Тошкент области	102,6	102,1	102,3	102,1
Фарғона области	102,0	102,3	102,0	101,4
Хоразм области	101,3	98,6	99,6	91,4
Тошкент шаҳри	103,4	102,8	102,6	105,4

(Давоми иккинчи бетда).

«САЛЮТ-6»: ПРОГРАММА БЎЙИЧА УЧИЛЯПТИ

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 9 январь. (ТАСС). Космонавтлар Юрий Романенко билан Георгий Гречко кишн бошқарадиган «Салют-6» орбитал станциясидаги илмий-техникавий тадқиқотлар ва экспериментларни давом эттирмоқдалар. Ўтган якшанба экипажнинг медицинавий экспериментлар куни бўлди. Космонавтлар қон айланиши системаси комплекс текширувларининг навбатдаги туркумини бажардилар.

Куннинг иккинчи ярмида станция Ернинг тунги томонида бўлган чоғида космонавтлар Қуёш тожи ва зодиакал нурни кузатдилар. Бу эксперимент Қуёшдан катта олисликда Қуёш тожининг чанг ва электрон компонентлари тузилишини ўргачиш мақсадида бажарилди.

Бугун кун программасида астрономик мўлжал олиш ва космик навигациянинг истиқболли приборларини тадқиқ этиш ва синаш борасидаги техникавий экспериментлар ўтказиш режаланган. Экспериментлар станция Ернинг тунги томонида, шунингдек ёритилган томонида учаётганида бажарилмоқда. Космонавтлар шу приборлар билан ишлаш методикасини пишиқтириб ҳам чиқмоқдалар.

Медицина контроли маълумотлари ва экипажнинг докладларига кўра, космонавтларнинг сиҳат-саломатлиги яхши, командирнинг томир уриши минутига 65 марта, бортинженерники эса 60 марта, артериал босим миқдори симоб устунининг 125-60 ва 120-60 миллиметрига баравар.

«Салют-6» станциясининг учиши давом этмоқда.

ПИОНЕР ГАЗЕТАСИ БАЙРОҒИДА ОРДЕН

Шаҳар ва қишлоқлардаги минг-минглаб пионерлар бу газетани сабрсизлик билан кутадилар. Уни ишчилар, инженерлар, пахтакорлар, педагоглар, барча меҳнатчилар ҳам севадилар ва ғоят қадрлайдилар. Газета бу кишиларга болалик чоғларидаёқ ҳаётда тўғри йўл топишга кўмаклашган эди. «Пионер Востока» ана шундай газета.

Қизил галстук таққан пионерлар, ишчи ва қишлоқ ёшлари, ўқувчилар, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг намояндалари, комсомол ветеранлари, ишлаб чиқариш новаторлари, матбуот, телевидение ва радио ходимлари, министрлик ва идораларнинг раҳбарлари газетанинг 50 йиллигини ҳамда унинг «Ҳурмат белгиси» ордени билан мукофотланганлигини тантанали равишда нишонламоқ учун 9 январь куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Мажлислар залига келишди. Меҳмонлар орасида иттифоқдош республикалар пионер газеталари ва комсомол ташкилотларининг вакиллари бор эди.

Йиғилишни Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг иккинчи секретари С. В. Кудрявцев очади.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси баланд руҳ билан фахрий президиумга сайланади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидовга сўз берилади. У айтдики, Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитети ва Владимир Ильич Ленин номидаги пионерлар ташкилоти республика советининг органи бўлган «Пионер Востока» республика газетаси биринчи сони чиққан куннинг 50 йиллиги— Ўзбекистондаги барча пионерлар ва мактаб ўқувчиларининг катта байрами, кекса авлодга мансуб миллион-миллион совет кишиларининг байрамидир. Совет кишиларининг кекса авлоди бир вақтлар бўйинларига қизил галстук тақиб юрганлар, эндиликда эса илҳомбахш меҳнатлари билан КПСС XXV съезди ва партия Марказий Комитети 1977 йил декабрь Пленуми ўртага қўйган мураккаб ва улкан вазифаларни амалга оширмоқдалар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, шахсан КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Леонид Ильич Брежнев Совет лар мамлакатининг ёш авлоди тўғрисида доимо оталарча ғамхўрлик қилмоқдалар. Совет халқи ҳамиша, ҳатто энг оғир йилларда ҳам болалардан ҳеч нарсани аягани йўқ. Лениннинг «Ҳамма яхши нарсалар болаларга!» деган васияти кўп миллатли улуғ мамлакатимизда рўёбга чиқарилди.

Совет пионерлари катта ёшдаги кишиларнинг жасоратлари билан фахрланадилар ва шу кишиларга ўхшашга интиладилар. Қизил изтопарларнинг минг-минглаб отрядлари отабоболарининг йўлидан бормоқдалар. Совет халқининг революцион, меҳнат ва жанговар меросини ўрганмоқдалар. Ҳамма нарсани билиб олишга, катталарнинг тажрибасини ўзлаштиришга интилиш — совет кишилари катта ва кичик авлоди бузилмас бирлигининг ёрқин далили, буюк ишимиз барҳаётлигининг гаровидир.

Мактаб ўқувчиларида барча ёшларимизда юксак коммунистик фазилатларни, меҳнатсеварлик ва коллективизмни, ватанпарварлик, дўстлик ва интернационализмни тарбиялашда, уларда бой маънавий дунёқарашни камол топтиришда комсомол ва пионер матбуоти катта роль ўйнайди. У ёш авлоднинг доно ва ажойиб мураббийси сифатида иш кўрмоқда, ўсмирларнинг активлиги ва ташаббусини фойдали ва зарур ишларга моҳирлик билан йўллаб турибди. «Пионер Востока» газетаси республика партия ва комсомол ташкилотларининг ишончли ёрдамчисидир. Газета коллектив пропагандист, коллектив агитатор ва коллектив ташкилотчи бўлиш ҳақидаги ленинча наказни муносиб равишда бажара бориб, ўзининг оташин сўзи билан ёш авлодни Ленин васиятларига, Коммунистик партиянинг буюк ишига чексиз садоқат руҳида тарбияламоқда.

Газетанинг босиб ўтган ярим асрлик йўли — Ўзбекистон пионерлари шонли ишларининг, катта ва кичик ишда танилган етакчи ва меҳрибон педагог, ёш ленинчилар ижтимоий фойдали ишларининг ташаббускори бўла олиш маҳорати йилномасидир. «Пионер Востока» газетаси Ўзбекистонда пионерлар ҳаракатини авж олдиришда катта роль ўйнади. У пионер ташкилотларининг, совет мактаби ҳаётини чуқур ва ҳар томонлама ёритмоқда, ишчилар, колхозчилар ва меҳнаткаш зиёлилар болаларининг кенг табақаларини ўз таъсири остига қамраб олмоқда. Газета совет халқининг революцион, жанговар ва меҳнат анъаналарини пионерлар ва мактаб ўқувчиларининг ҳаётига, ўқишига ва меҳнатига актив жорий этмоқда, мухбирлар хаҳракати ва матбуот ташкилотчилик ишининг бошқа формалари орқали уларни янги ҳаёт барпо этишда бевосита қатнашишга жалб этмоқда, ёш авлоднинг умумий таълим ва маданий савиясини ўстиришга ҳар томонлама кўмаклашмоқда.

Матбуот совет кишилари маънавий ҳаётининг ажралмас қисмидир. У экономика, фан ва маданиятни ривожлантиришга, бутун ижтимоий ҳаётга, одамларнинг онгли ва хулқ-атворига жуда катта таъсир ўтказади. Бугун, юбилей кунида КПСС XXV съездида матбуот, радио ва телевидение фаолиятига берилган юксак баҳони эсламай бўлмайди. Бу юксак баҳо, партиянинг журналистлар ҳақидаги доимий ғамхўрлиги улар зиммасига кўп вазифаларни юклайди. Ҳар бир редакция коллективи янада кўпроқ масъулият ҳиссини сезиб, зўр ғайрат ва ташаббус кўрсатиб ижодий изланиш билан шуғулланиши, коммунизм идеаллари учун, беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун актив курашчи сифатидаги ролини янада таъсирчанроқ бажариши лозим.

Ёшлар матбуоти олдида ҳам муҳим ва масъулиятли вазифалар турибди. Комсомол ва пионер газеталаримиз ёш авлодни юксак ғоявий эътиқодлилик, партия ишига чексиз садоқат, социалистик Ватанга муҳаббат, Ватан ғалабаларини ҳимоя қилишга шай бўлиб туриш руҳида тарбиялашга кўмаклашишлари керак.

Болалар, йигит ва қизлар «Пионер Востока» ва «Ленин учқуни» газеталари, комсомол газеталаримиз саҳифаларидан уларни руҳлантирадиган, уларда юксак фикр ва олижаноб мақсадларни уйғотадиган қизиқарли ва мароқли материалларни ҳамиша топаолишларига аминмиз. Пионер матбуотимиз бундан буён ҳам ёш ленинчиларнинг коллектив вожатийси сифатида иш кўришига, болаларни янги ҳаёт барпо этишнинг актив қатнашчилари, ўз мамлакатининг хўжайини бўлишга ўргатади. Газеталаримиз пионер отрядлари ва дружиналарининг, ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадалари, қизил изтопарларнинг қунт билан қилаётган ижодий ишлари тўғрисида ёрқин ва ранг-баранг тарзда ҳикоя қилиб бераверсин, болаларни темир-терсак йиғишга ва пионер боғларини барпо этишга даъват этаверсин, болаларни меҳнатсевар, оққўнгил, софдил қилиб тарбиялаверсин, ватанпарварлик ва интернационализмга, ҳақиқий совет кишилари бўлишдек буюк маҳоратга ўргатаверсин.

Ш. Р. Рашидов пионерлар ва мактаб ўқувчиларини Ленин васиятлари руҳида коммунистик тарбиялаш соҳасидаги самарали иши, пионер ҳаракатини ривожлантиришда актив қатнашганлиги учун Ўзбекистон «Пионер Востока» республика газетасини «Ҳурмат белгиси» ордени билан мукофотлаш тўғрисида СССР Олий Совети Президиумининг Фармонини ўқиб беради ва мажлис аҳлининг қарсаклари остида орденни газета байроғига тақиб қўяди.

Йиғилиш қатнашчилари ВЛКСМ Марказий Комитетининг, В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ пионер ташкилоти марказий советининг газетага йўллаган табрикномасини самимий кутиб олдилар.

«Пионер Востока» газетасининг редактори Т. А. Орлова юксак мукофот учун партия ва ҳукуматга қизғин миннатдорчилик изҳор этди. У газета босиб ўтган шонли йўл тўғрисида гапириб, редакция ходимлари ва унинг кўп сонли активлари ўз олдиларига қўйилган вазифаларни бундан буён ҳам муносиб равишда бажарадилар, деб ишонтирди.

Иттифоқдош республикалардаги пионер газеталари ва комсомол ташкилотларининг раҳбарлари Л. А. Анишченко (Ленинград), О. А. Тагунов (Иваново), А. П. Носова (Украина), Л. И. Смирнова (Белоруссия), Б. О. Койшибоев (Қозоғистон), А. Амрахов (Озарбайжон), Л. В. Шилекайте (Литва), Л. И. Ватаву (Молдавия), О. К. Бертулсоне (Латвия), Ж. Абликоликов (Қирғизистон), Д. Убайдуллаев (Тожикистон), Ж. Мадоян (Арманистон), Б. Суюнов (Туркманистон) Ю. Рензер (Эстония). Нукусдаги мактабнинг катта пионервожатийси К. Колниёзова, болалар шоири Қудус Муҳаммадий юбилярга эзгу тилаклар билдирдилар. Пионерлар ўз жонажон газетасини қизғин табрикладилар.

Йиғилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневга давомли қарсаклар остида табрикнома йўлладилар.

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлар Л. И. Греков, Й. Р. Курбонов, М. М. Мусахонов, О. У. Салимов, Н. Махмудов, Э. Б. Нордман, С. У. Султонова, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари С. Мамарасулов, М. Т. Турсунов, А. Р. Хўжаев иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Республика матбуотини ривожлантириш соҳасидаги хизматлари учун ва «Пионер Востока» газетасининг биринчи сони чиққан кунга 50 йил тўлганлиги муносабати билан редакциянинг алоҳида ўрнак кўрсатган ходимларидан, газетанинг штатсиз актив мухбирларидан, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг ходимларидан бир группасига Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берилди ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика матбуотини ривожлантиришдаги хизматлари учун ва «Пионер Востока» газетасининг биринчи сони босилиб чиққан куннинг 50 йиллиги муносабати билан қуйидагиларга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони берди:

Овчинников Александр Владимирович — газета редакциясининг випускающийси.

Орлова Татьяна Алексеевна — газета редактори.

Тюрина Нина Александровна — газета редакциясининг катта мухбири.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика матбуотида, полиграфиясида актив ва самарали ишлаганлиги учун ҳамда «Пионер Востока» газетасининг биринчи сони босилиб чиққан куннинг 50 йиллиги муносабати билан қуйидагиларни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади:

Аблязова Лимара Абдураззоковна — газета редакциясининг катта машинисткаси.

Кабиров Лутфулла Боситович — газета редакциясининг масъул секретари.

Петрович Владимир Глебович — Н. К. Крупская номли пионерлар ва мактаб ўқувчилари саройининг директори, газетанинг штатсиз мухбири.

Хўжаев Турсун Орипович — нашриёт печатниги.

Хўжаев Ёқуб Жўраевич — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Телевидение ва радио эшиттириш давлат комитетининг редактори, газетанинг штатсиз мухбири.

Шоёқубов Баҳром — нашриёт линотипчиси.

Шуф Павел Ефимович — газета редакциясининг бўлим мудири.

ЎЗБЕКИСТОН САНОАТИНИНГ 1977 ЙИЛГИ ИШ ЯКУНЛАРИ

(Боши биринчи бетда).

Қорақалпоғистон АССР, Андижон, Сурхондарё, Сирдарё областлари, Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги, Ўзбекистон ССР Мебель саноати министрлиги, Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлиги, Ўзбекистон ССР давлат балиқ хўжалиги корхоналари пландан ташқари маҳсулот реализация қилиш юзасидан 1977 йилги социалистик мажбуриятларини бажардилар.

Андижондаги «Электродвигатель» заводи, Қаршидаги СССР 50 йиллиги номли тикувчилик фабрикаси, Андижондаги трикотаж фабрикаси, Тошкентдаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкентдаги 2-пойафзал фабрикаси ва бошқа бир қанча ишлаб чиқариш коллективлари пландан ташқари маҳсулот реализация қилиш юзасидан 1977 йилги социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажардилар.

Маҳсулотнинг энг муҳим турлари электр энергия ҳосил қилиш, нефть, газ, кўмир қазиб олиш, пахта териш машиналари, трактор прицеплари, пахта подборщиклари, йигирув машиналари, бульдозерлар, пахта толаси, шойи газлама, пайпоқ, ички ва устки трикотаж, мол ёғи, қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари ва кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқариш планлари ошириб бажарилди.

Шу билан бир қаторда 26 та ишлаб чиқариш бирлашмаси ва корхона мавжуд резервлардан фойдаланмади ва маҳсулотни реализация қилиш юзасидан йиллик планнинг бажарилишини таъминламади. Бу бирлашма ва корхоналар планга нисбатан 56,9 миллион сўмлик кам маҳсулот бердилар. «Навоиазот» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Самарқанддаги рўзғор холодильниклари заводи, Навоий цемент заводи, Урганч пиллакашлик фабрикаси, Коғон мой экстракция заводи, Чиноз норуда материаллар карьери шундай бирлашма ва корхоналар жумласидандир.

Айрим корхоналар меҳнат унумдорлигини ошириш йиллик планини бажармади. Булар орасида Фарғонадаги кимёвий тола заводи, «Андижанирмаш» заводи, Самарқанддаги рўзғор холодильниклари заводи, «Вторчермет» Ўзбекистон ишлаб чиқариш бирлашмаси, Қаршидаги деворбоп материаллар комбинати, Урганч пахта заводи, Коғон ёғ-экстракция заводи бор.

Республикадаги баъзи корхоналар маҳсулотнинг турлари бўйича ишлаб чиқариш юзасидан 1977 йилги планни бажармади.

Партия, совет, касаба союз ва хўжалик ташкилотлари қабул қилинган планларнинг бажарилиши устидан назоратни кучайтиришлари, партия, давлат ва хўжалик раҳбарлигининг барча бўғинларида уюшқоқлик ва масъулиятни оширишлари зарур. Асосий фондлардан, илғор тажрибадан, фан-техника тараққиёти ютуқларидан тўлароқ фойдаланиш учун, меҳнат унумдорлигини ошириш, халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва турини яхшилаш учун мавжуд барча резервлар ва имкониятларни ишга солиш лозим. Бундай шароитда ишда келишиб олишга, меҳнат, технология ва план интизомини ҳар қандай бузиш ҳолларига нисбатан муросасиз бўлишга эришиш керак.

Саноат ишчилари, инженер-техник ходимларининг барча ишлари ва фикри-зикри КПСС XXV съездининг ва КПСС Марказий Комитети 1977 йил декабрь Пленумининг қарорларини амалга оширишга, бугун нечагидан, эртага эса бугунгидан яхшироқ ишлашга қаратилиши лозим.

ХАТГА ЭЪТИБОР, ЭЛГА ЭЪТИБОР

ҚАБУЛХОНА ЭШИГИ ОЧИҚ

Мактуб — дил садоси, кўнгил ойнаси. Унда меҳнаткашлар орзу-умидлари, фикр-ўйлари, талаб ва эҳтиёжлари акс этади. Партия, совет ва хўжалик органлари почтасига меҳнаткашлардан ҳар куни ўнлаб хатлар ва аризалар тушади. Улар турли масалалар бўйича маҳаллий давлат органларига — ўзлари сайлаб қўйган халқ депутатлари Советларининг ижроия комитетларига мурожаат этадилар. Улар бу ерга қувонч ва ташвишларини бўлашгани, ўзлари ҳал эта олмаган масалаларда ёрдам ва нажот учун келадилар. Баъзан ёзма, баъзан оғзаки арзнома ёзадилар. Мана улардан бири:

«Ўтган йил 20 октябрь куни ёққан кучли ёмғир ошхонамнинг томини ювиб кетди. Ҳаммаёқдан чакка ўтиб, электр симлари намланди. Ёнғин чиқишидан қўрқиб чироқни ёқмасдан қоронғида қолдик. Болаларим дарсларини тайёрлашолмади. Шунинг учун 13-уй-жойдан фойдаланиш идорасига ошхонамни ремонт қилиб беришлари тўғрисида кўрсатма беришингизни илтимос қиламан. Бу масалада бир неча бор ушбу идорага мурожаат қилдим. Лекин улар менинг илтимосимни инобатга олишмади.

Р. А. КАИПОВА,
Пушкин кўчаси № 75, 3-корпус, квартира 1.»

Халқ депутатлари Куйбишев район Совети ижроия комитети гражданка Р. Каиповаипнг аризасини кўриб чиқиб, унинг квартирасини зудлик билан ремонт қилиш тўғрисида махсус ишлар бошқармаси ва 13-уй-жойдан фойдаланиш идорасига кўрсатма берди. Тез орада Р. Каипованинг уйи ремонт қилинди. Бундан оила аъзолари мамнун бўлишди.

Ижрокомга турли масалалар бўйича меҳнаткашлар, идора ва корхоналардан мурожаат этишади.

«Ташкенткабель» заводи коллективи корхона территориясини ва ишчилар посёлкасини ободонлаштириш соҳасида кўпгина ишларни амалга оширди. Лекин заводимизда асфальт йўқлиги туфайли Бабушкин кўчаси ва корхона территориясидаги баъзи жойларга асфальт ёткиза олмаяпмиз. Шунинг учун сизнинг ёрдамингизга муҳтожмиз.

Директор ўринбосари А. В. УЛАНОВ.

завком раиси Т. Д. ЧУРИКОВА».

Корхона коллективининг илтимоси бажарилди. Завод территорияси янада ободонлашди.

Район Совети ижроия комитети амалга ошираётган хайрли ишлар ҳақида кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Ижрокомда, унинг бўлимлари ва бошқармаларида меҳнаткашларни қабул қилиш, уларнинг ариза ва шикоятларини ҳал этиш борасида бой тажриба тўпланган. Гражданлар қатъий график асосида белгиланган кунларда қабул қилинадилар. Бир сўз билан айтиш мумкинки, қабулхона эшиклари меҳнаткашлар учун доимо очиқ. Уларнинг ариза ва шикоятлари хат ва аризалар бўлимида рўйхатдан ўтказилади. Бунинг учун махсус дафтарлар тутилган. Улар рўйхатдан ўтказилгач, мазмуни ва моҳиятига кўра кўриб чиқиш учун раис ва ўринбосарларга, сўнг бўлимларга бериладилар.

Ўтган йилнинг тўққиз ойи мобайнида район ижроия комитетига меҳнаткашлардан ҳаммаси бўлиб 1073 та ариза ва шикоят тушди. Улардан 996 таси бевосита ижроком аппаратида кўриб чиқилди. 77 таси тегишли ташкилотларга юборилди. Ижроком раҳбарлари 1465 кишини қабул қилдилар.

Олдинги йилларга нисбатан ижрокомда ариза-шикоятлар нисбатан камайганлиги сезилмоқда.

Бунда район Совети доимий комиссиялари ва улар атрофига уюшган депутатларнинг ҳам роли катта. В. Д. Ким раислик қилаётган социалистик қонунчилик доимий комиссияси иши диққатга сазовордир. Доимий комиссия ва унинг аъзолари ижроком, бўлим ва бошқармаларда меҳнаткашлар ариза ва шикоятларига муносабат қандайлигини, гражданлар қандай қабул қилинаётганини назорат қилмоқдалар. Меҳнаткашлар ариза ва шикоятларини ҳисобга олиш ва уларни кўриб чиқиш қандай уюштирилаётганлиги, ариза ва шикоятлар қандай ҳал этилаётганлигини текширмоқдалар. Улар бу ҳаётий масалани ижроком мажлисларига қўймоқдалар. Яқинда бўлиб ўтган ижроком мажлисида худди ана шу масала кўрилди. Комиссия аъзоларидан депутат Л. И. Лонская, А. Қосимов, Р. Идрисова ўртоқлар ҳам бу ишда алоҳида жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Лекин, шунга қарамасдан баъзи ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш ва ҳал этишда жиддий нуқсонларга йўл қўйилмоқда. Чунончи, ободончилик, уй-жой бошқармаси ишида ана шундай камчиликлар мавжуд. Масалан, Улуғ Ватан уруши инвалиди Е. С. Спиридоновнинг аризаси эътиборни жалб этади:

«Мени Улуғ Ватан уруши иккинчи группа инвалиди сифатида квартира олиш учун рўйхатга киритишингизни сўрайман. Чунки, мен яшаётган квартира жуда тор, яшаш учун қулайликларга эга эмас. Шу боисдан менинг илтимосимни ерда қолдирмаслигингизни сўрайман.

3 май 1977 йил».

Чиндан ҳам Е. С. Спиридонов ўз оиласи билан 27 квадрат метрли икки хонали квартирада яшайди. Унинг оила аъзолари 5 кишидан иборат. Район Совети депутатлари Е. С. Спиридоновнинг уй-жой шароитини текшириб кўриб, ҳақиқатан ҳам унинг уй-жойини кенгайтириш лозимлигини қайд қилишган эди. Лекин Улуғ Ватан уруши инвалидининг қонуний талаби қондирилмади. Унга рад жавоби берилди. Ҳар йили юзлаб оилалар янги уйларга кўчиб кираётган бир пайтда наҳотки уруш инвалидини ҳатто рўйхатга киритиб қўйиш мумкин бўлмаса?

Баъзи шикоятлар ва аризалар муддатида кўриб чиқилмаётир. Ҳатто айрим ҳолларда матбуот сигналларига ҳам вақтида эътибор берилмаётгани кишини таажжублантиради. Чунончи, бултур 25 июлда Черданцев массивидаги 2-уйда яшовчи граждандлардан тушган иситиш системаларини тартибга солиш тўғрисидаги аризага 51 кундан кейин жавоб берилган.

2-Северо-Восток массивидаги 76-уй, 37-квартирада яшовчи меҳнат инвалиди М. И. Калмиков 1975 йилдан буён ижрокомга мурожаат этади. У уй-жойини ремонт қилишда бир неча бор ёрдам сўради. 1975 йил 14 ноябрда район уй-жой бошқармаси ўз жавоб хатида унинг квартирасини «ремонт қилиб бериш»ни ваъда қилди. М. И. Калмиков ремонтчиларни кута-кута тоқати тоқ бўлди. Яна ижрокомга мурожаат этишга мажбур бўлди. Лекин 1977 йил 27 июнда уй-жой бошқармаси «меҳнат пенсионерлари ремонт» қилдириш имтиёзига эга эмас деган важ билан унинг аризасига рад жавоби берди.

Ободончилик бўлимида ҳам ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш муддатлари бузилаётганлиги ачинарлидир. Чунончи Маданият маҳалласи аҳолисидан тупикда автомашина қатновини тўхтатиш тўғрисида ўтган йил 11 январда тушган шикоят 22 апрелда, яъни 3-ой-у 11 кунда ҳал этилган. Олтитепа кўчасида яшовчи меҳнаткашлар тўпланиб ётган чиқиндиларни олиб кетиш ҳақида беришган аризага бошқарма ходимлари атиги 51 кунда жавоб йўллашибди! Шикоятларни рўйхатга олишда ҳам чалкашликлар мавжуд. Шу бўлимга район прокуратурасидан 22 июнда юборилган шикоят 4 августдагина рўйхатга олинган ва 26 августда ҳал этилган. Унгача бу шикоят қаерда чанг босиб ётганлиги номаълум.

Меҳнаткашлар ариза ва шикоятларига юзаки қараш кечириб бўлмас ҳолдир. Илтимослари қондирилмаган гражданлар юқори ташкилотларга ариза ёзадилар. Шунинг учун у ёки бу аризани ҳал этишда эҳтиётроқ бўлиш, ҳар бир хат ва ариза ортида жонли инсон туришини бир дақиқа ҳам унутиш мумкин эмас. Ҳар қандай шикоятни қонун асосида диққат билан кўриб чиқиш, у ёки бу илтимосни қондиришнинг иложи бўлмаса, бунинг сабабини эринмасдан тушунтириш даркор. Токи, биз билан ёнма-ён туриб меҳнат қилаётган, яшаётган кишиларнинг диллари ранжимасин, қимматли вақтлари беҳуда кетмасин.

Партия ва ҳукуматимиз ҳар бир совет ходими ва хўжалик раҳбарларидан ариза ва шикоятларни кўриб чиқишда, гражданларни қабул қилишда ленинча принципларга қатъий риоя этишни талаб қилмоқда.

Ўйлаймизки, район Совети ижроия комитети, унинг бўлим ва бошқармалари меҳнаткашларни қабул қилиш, уларнинг ариза ва шикоятларини ўз вақтида ҳал этиш, бу соҳадаги мавжуд камчиликларни тугатиш учун тегишли чора ва тадбирлар кўрадилар. Меҳнаткашлар хатларига алоқадор ходимлар масъулиятини янада оширадилар.

М. МИРЗАМУҲАМЕДОВА,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЎРТА БЎҒИН БЎЛИНМАЛАРГА РАҲБАРЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРАЙЛИК

МУТАХАССИСЛАР — ТАЯНЧИМИЗ

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Қишлоқ хўжалиги мутахассисларининг колхоз ва совхозларда бўлим, бригада, ферма ва ишлаб чиқаришдаги бошқа ўрта бўғин бўлинмаларга раҳбарлик ишига ўтишини рағбатлантириш юзасидан қўшимча тадбирлар тўғрисида»ги қарори мамлакатимиздаги барча хўжаликлар сингари районимизнинг колхоз ва совхозларида ҳам қизғин маъқулланмоқда. Чунки бу масала ҳозирги давр талаби бўлиб, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш соҳасида КПСС XXV съезди томонидан қўйилган вазифаларни бажариш ана шуни тақозо этмоқда.

Партия ва ҳукуматимизнинг бу қарорида мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг бундан кейинги тараққиёт йўли ўзининг ёрқин ифодасини топган. Қарорда шундай дейилади: «Ҳозирги шароитда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг технологиясини ҳам, экономикасини ҳам яхши биладиган малакали мутахассисларгина ана шу бўлинмаларга муваффақиятли суратда раҳбарлик қила олдилар. Ана шу бўлинмаларнинг раҳбарлари, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг технология жараёнини бевосита уюштирадилар, коллективларнинг мураббийси бўлиб, уларнинг партия ва ҳукуматнинг директиваларини муваффақиятли бажаришга сафарбар этадилар. Колхоз ва совхозларда ишлаб чиқариш топшириқларини ўз вақтида ва сифатли қилиб бажариш, қишлоқ хўжалик техникасидан ғоят унумли фойдаланиш, коллективларнинг меҳнат ва жамоат активлиги, ўрта бўғиндаги раҳбарларнинг билими ва ташкилотчилик қобилиятларига кўп жиҳатдан боғлиқдир».

Ҳақиқатан ҳам шундай. Ўрта бўғин — асосий бўғин! Мутахассис кадрлар эса асосий таянчимиздир. Район партия комитети ва халқ депутатлари район ижроия комитети қишлоқ хўжалиги тараққиётини тезлаштириш ва самарадорликни оширишда мутахассис кадрларга таяниб иш кўриб, бу борада муайян ютуқларни қўлга киритмоқдалар.

Районимизнинг деярли барча хўжаликлари асосан пахтачиликка ихтисослаштирилган. Бизда резервлар ҳисобига киритиладиган партов ва бўз ерлар йўқ. Экин майдонларимизнинг кўпчилигини шўрхоқ ва захкаш ерлар ташкил этади. Миришкор деҳқонларимиз ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, алмашлаб экишни кенг йўлга қўйиш, ўғитдан, сувдан ва техникадан омилкорлик билан фойдаланиш билан пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни йилдан-йилга кўпайтиришга муваффақ бўлмоқдалар. Бундан 5-6 йил муқаддам районда пахта ҳосилдорлиги гектар бошига атиги 24-25 центнерни ташкил этган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич 35-40 центнерга кўтарилди. Район меҳнаткашлари давлатга пилла, мева, сабзавот, полиз маҳсулотлари, гўшт, сут ва тухум сотиш бўйича белгиланган топшириқларни ҳам шараф билан адо этдилар.

Бу меҳнат ютуқларига эришишда партия ва ҳукуматимизнинг пахтакорларга кўрсатиб келаётган оталарча ғамхўрлиги область партия, совет ташкилотларининг катта ташкилотчилик ва тарбиявий фаолияти, шунингдек ўрта бўғин бўлинмаларидаги раҳбар мутахассисларимиз шижоаткорона меҳнати катта аҳамиятга эга бўлди.

Районимизда 12 та пахтачилик билан шуғулланадиган колхоз ва битта наслчилик совхози мавжуд бўлиб, бу хўжаликлардаги кўпчилик ўрта бўғин бўлинмаларга асосан ўз соҳасининг мутахассиси ҳисобланган кадрлар бошчилик қилишяпти. Район партия ташкилотлари мутахассис кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш борасида ҳам тадбирлар белгилаб, иш кўраётир. Мутахассислар учун ўрта бўғинларга раҳбарлик ишига кенг йўл очиб берилмоқда, уларга лозим бўлган шарт-шароитлар яратилмоқда, бу соҳада тўпланган илғор тажрибалар оммалаштирилиб, жойларда дадил жорий этилаётир.

Шу ўринда бир-икки мисол келтирмоқчиман. Районимиздаги «Зарафшон» колхозида илгари сувчилик қилган Эргаш Тошев Тошкент қишлоқ хўжалик институтини битириб келгач, уни пахтачилик бригадасига бошлиқ этиб тайинладик. Ўз билимини моҳирлик билан қўллаган ёш агроном ҳосилдорликни кўтаришга бош бўлди. Аввалари ҳар гектар ердан кўпи билан 30-35 центнердан ҳосил олиб келган бригадада ҳосилдорлик гектарига бир йил ичидаёқ 50 центнерга етди. Ёки «Коммунизм» колхозининг ипак пахтага ихтисослаштирилган бригадаси бошлиғи Жалол Муҳаммадиевни олайлик. У меҳнатга билимни пайванд этиб ишлаб, икки йил ичидаёқ бригадада ингичка толали пахта ҳосилдорлигини 20 центнердан 35 центнерга етказди. Шунингдек, Калинин номли колхоздан Карим Зарипов, Темир Саидов, Рашид Мажидов, Ҳамро Муҳаммадиев, Икром Шамсиев, «Ленинград» колхозидан Наримон Ҳамидов, Тельман номли колхоздан Шариф Мирзаев сингари олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган мутахассис кадрларимиз раҳбарлик қилаётган далачилик бригадаларида ҳам пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштирилмоқда.

Лекин, Ленин номли, Охунбобоев номли, «Ильич юз йиллиги» колхозларида ўрта бўғинларда мутахассис кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишга кам эътибор берилаётганлиги туфайли, бу хўжаликларда 1977 йилги пахта тайёрлаш планлари бажарилмай қолди. Район партия комитети бу аҳволни пухта ўрганиб, тегишли чора-тадбирларни белгиламоқда.

Район хўжаликларида ўрта бўғинга тааллуқли, жами 255 бригада, 2 та бўлим ва 14 та ферма бор. Бригада бошлиқларининг 25 проценти, ферма мудирларининг ҳаммасини олий ва ўрта махсус малакали мутахассислар ташкил этади. Яқин йиллар ичида барча бригада, участка ва фермаларга мутахассисларнинг раҳбарлик қилишни таъминлашдан иборат тегишли тадбирлар ишлаб чиқяпмиз. Олий ва ўрта маълумотли мутахассислардан бригадаларга ҳамда фермаларга ишга ўтиш истагини билдириб ёзилган аризалар тушмоқда. Биз бундай кишиларни лаёқатларига ва тажрибаларига қараб бирин-кетин ишга тайинламоқдамиз. Кейинги вақтда 24 та мутахассис ишга тайинланди. Бу яхши самаралар беришига ишончимиз комил.

Шу кунларда районимиз деҳқонлари келаси йил мўл ҳосили учун пухта замин ҳозирламоқдалар. Барча майдонлар икки ярусли плуглар билан шудгор қилинди. Айни кезда шўр ювиш ва яхоб беришни қизғин давом эттирмоқдамиз. Районимиз меҳнатчилари 1978 йил режаларини ҳозирданоқ пухта белгилаб олиб, уни оғишмай амалга оширишга маҳкам бел боғламоқдалар.

И. НАИМОВ,
Бухоро область Вобкент район партия комитетининг биринчи секретари.

РАСМИЙ ВИЗИТ БИЛАН

Япония ташқи ишлар министри Сунао Сонода Совет ҳукуматининг таклифига биноан расмий визит билан 8 январда Москвага келди.

Аэродромда уни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Кутиб олувчилар орасида Япониянинг СССРдаги элчиси А. Сигемицу бор эди.

* * *

9 январь куни Москвада КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико билан Япония ташқи ишлар министри С. Сонода ўртасида музокаралар бошланди. Совет-Япония муносабатлари масалалари юзасидан амалий, ошкора вазиятда фикрлашиб олинди.

Ҳар икки томонни қизиқтирувчи баъзи бир актуал халқаро проблемалар ҳам кўриб чиқилди.

С. Сонода шу куни Кремль девори ёнидаги Номаълум солдат қабрига гулчамбар қўйди. **(ТАСС).**

Ўнинчи беш йилликнинг уч йили топшириқларини СССР янги Конституциясининг бир йиллигига қадар бажариш ҳаракати бутун мамлакатимизда бўлгани каби республикамиз корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари коллективлари орасида ҳам кенг қулоч ёзмоқда. Суратларда: Тошкент тўқимачилик комбинати 1-тўқув фабрикасининг пешқадам йигирувчиси А. Давлатбекова билан Тошкент тўқимачилик машинасозлиги заводининг илғор йиғувчи слесари Т. Бобров ўртоқларни кўриб турибсиз. Ҳар икки коммунистик меҳнат зарбдори вақтдан ўзиб ишлаб, барчага ибрат бўлмоқдалар.

А. Тўраев фотолари.

КОНКУРСГА МАРҲАМАТ

Меҳнаткашларнинг турмуш маданиятини юксалтириш тўғрисида партия ва ҳукуматимиз ҳамиша ғамхўрлик қилиб келмоқдалар. Бу борада кейинги йилларда республикамизда ҳам талайгина ишлар амалга оширилди. Эндиликда кишиларимизнинг саноат корхоналарида қурилиш майдонларида, транспорт ва алоқа ташкилотларида, колхоз ва совхозларнинг далаларида, чорва фермаларидаги фидокорона меҳнатдан, ўқув юртларидаги мутоаладан сўнг бўш вақтларини турли тўгараклар ёки йиғинларда қатнашиб, ўз маънавий эҳтиёжларини қондираётганликлари, бадиий ижодкорликни ривожлантираётганликлари, маданий тараққиётимизнинг бебаҳо бойликларидан тобора кўпроқ баҳраманд бўлаётганликлари одатдаги манзаралардан бўлиб қолди.

Совет кишиларининг социалистик фан ва маданиятимиз тараққиётига доир янгиликлардан доимо хабардор ҳамда адабиёт ва санъат дурдоналаридан баҳраманд бўлиб туришлари учун эса улар ўртасида тез-тез лекция ва суҳбатлар уюштирилиб, маданият намояндалари билан учрашувлар ва турли мавзуларда мунозаралар ўтказилиб турилади.

Кейинги йилларда ижодкор зиёлиларнинг меҳнат коллективлари билан алоқалари тобора мустаҳкамланиб, уларнинг ўзаро фойдали ҳамкорлиги кенгайиб бораётганлиги бу ишларнинг мазмуни ва мундарижасини янада бойитиб юборди. Ижодий союзлар ва ташкилотлар, газета ва журналларнинг редакциялари, нашриётлар, ишлаб чиқариш коллективлари, ўқув юртлари, ҳарбий бўлинмалар билан алоқа боғлаб, қизил бурчаклар ва дала шийпонларини безаш, кўчма бадиий ёки китоб кўргазмалари уюштириш, ранг-баранг программада концертлар ёки бошқа турдаги томошаларни ташкил қилиш каби тадбирларни амалга оширишда уларга яқиндан ёрдам бермоқдалар. Ижодкор зиёлилар меҳнат аҳли билан бевосита иш жойларида, цехларда ва далаларда, устахоналарда ва фермаларда учрашиб, бадиий ижод билан моддий бойлик яратиш жараёнларининг бир-бирига яқинлашувига эришмоқдалар, бадиий адабиёт, музика ва тасвирий санъат проблемалари хусусида суҳбатлар қурмоқдалар.

Ижодкор зиёлилар билан меҳнат коллективлари, ўқув юртлари, ҳарбий бўлинмаларнинг социалистик шартнома негизига қурилган бундай ҳамкорлиги меҳнаткашларни эстетик тарбиялаш ишини янада яхшилаш, улар ўртасида адабиёт ва санъат дурдоналари пропагандасини кучайтириш, ижодкорларнинг халқ турмуши билан, коммунистик қурилишнинг ижодкорлари билан алоқасини тағин ҳам мустаҳкамлашда роли беқиёс катта эканлигини назарда тутиб, 1978 йил 1 январдан эътиборан ижодий ташкилотлар билан саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари, колхоз ва совхозлар, ўқув юртлари, Туркистон ҳарбий округининг қисмлари ўртасидаги энг яхши ўзаро алоқа ва ҳамкорлик учун республика конкурси бошланди. Бу конкурсда ғолиб деб топилган ижодий ташкилотлар, саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари, колхозлар, совхозлар, ўқув юртлари ва ҳарбий қисмлар Ўзбекистон касаба союзлари республика совети, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги, Туркистон ҳарбий округи ва ижодий союзлар вакилларидан иборат ташкилот комитети таъсис этган пул мукофотлари ва дипломлар билан тақдирланадилар.

ШАРТНОМАЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИНИ ТЕКШИРАМИЗ

МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК

Фан-техника тараққиёти асрида биронта саноат корхонаси йўқки, у лак, бўёқ ишлатмасин. Лак, бўёқ металларнинг занглаб, емирилишининг олдини олади. Мана шунинг учун ҳам Тошкент лак-бўёқ заводи маҳсулотлари тобора кўпроқ аҳамият касб этмоқда.

Корхонанинг ишга туширилганига анча бўлган. Шу сабабдан заводни реконструкциялаш, ускуналарни алмаштириш, цехларни кенгайтириш кун тартибидаги муҳим масалага айланди. Завод реконструкцияни бошлаш учун лак-бўёқ саноати илмий-тадқиқот ва лойиҳа институтининг Ярославль филиали билан шартнома тузди. Мазкур илмий муассаса барча лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш мажбуриятини олди.

Яқинда лак цехини реконструкциялашнинг биринчи навбати тугади. Цех реконструкциягача ойига 30 тоннага яқин ёғли лак ишлаб чиқарган бўлса, эндиликда 43 тоннадан зиёд маҳсулот тайёрлаш қувватига эришди.

Тошкент лак-бўёқ заводининг ишлаб чиқариш технологияси ғоят мураккаб. Уни такомиллаштириш завод раҳбарларининг диққат марказидаги асосий муаммолардан биридир. Бу соҳада ҳам олимлар ва илмий-тадқиқот институтларининг ходимлари корхонага яқиндан ёрдам беришмоқда. Масалан, корхона мутахассислари лак-бўёқ саноати илмий-тадқиқот ва лойиҳа институтининг Ярославль филиали олимлари билан ҳамкорликда металлар устини емирилишдан муҳофаза қилувчи алкид тупроғининг рецептини ишлаб чиқдилар. Ундаги лакнинг бир қисми сланец-фенол қатрони билан алмаштирилди. Натижада ҳар тонна тупроқдан 60 сўмдан иқтисодий самара кўриш имкони яратилди.

Завод Ярославль филиали илмий ходимлари кўмагида ноёб канифолни бензой кислотаси билан алмаштирди. Иқтисодчилар бу тадбир йилига 120 минг сўмдан ортиқ фойда келтиришини ҳисоблаб чиқдилар.

Лак-бўёқ саноати илмий-тадқиқот ва лойиҳа институти Челябинск филиали мутахассислари тошкентликларга нефть полимери қатрони — «Пиролен» аралаштирилган пол бўёғи ишлаб чиқаришни ўзлаштиришда яқиндан ёрдамлашди. Натижада корхона йилига қарийб минг тонна ўсимлик ёғини тежаб қолмоқда.

Тошкентлик лак-бўёқчилар ленинградлик олимлар билан ҳам шартнома асосида ҳамкорлик қилиб келишмоқда. Улар ана шу ҳамкорлик шарофати билан поливинилацетат эмульсияси негизида янги бўёқ рецептини ишлаб чиқаришга жорий этдилар. Кўрилган самара уч минг сўмдан зиёд бўлиб, маҳсулот сифати шартнома тузилмасдан олдин тайёрланган бўёқникидан анча яхшиланди.

Лак-бўёқ саноати илмий-тадқиқот ва лойиҳа институтининг Челябинскдаги филиали коллективи ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштиришда тошкентлик мутахассисларнинг энг яқин ёрдамчиси бўлиб қолган. Челябинсклик илмий ходимлар кўмаги билан сариқ темир оксидли пигментни тайёрлаш технологиясини анча такомиллаштиришга эришилди. Завод мамлакатимизда биринчи бўлиб «Ж-О» маркали энг аъло сифатли пигментни ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

Ярославль олимлари ҳамда Краснодар политехника институти тошкентлик мутахассисларга алкид лакли эмалларнинг тажриба намуналарини ишлаб чиқаришда ҳар тарафлама кўмак бердилар. Бу эмаллар тез қотувчанлиги билан ажралиб туради. Агар оддий алкид эмаллари очиқ кунда 24 соат ичида қуриса, алкид лакли эмаллар 4 соатда қотади. Бундай қараганда алкид лакли эмалларни кўплаб ишлаб чиқаришга киришишга ҳеч нима тўсқинлик қилмаётганга ўхшайди. Афсуски, иш тўхтаб қолган. Ҳалиги эмалларни тайёрлаш учун чет эллардан сотиб олинадиган пирослиз кислотаси зарур. Бу муаммони ҳал этиш мақсадида корхона раҳбарлари Краснодар химия заводларининг бири билан шартнома тузди. Шартномага кўра, завод ўз зиммасига пирослиз кислотасини фурфуролдан олиш мажбуриятини қабул қилди. Ушбу жараён технологиясини ишлаб чиқиш тугалланиш арафасида турибди. Эндиги вазифа Фарғонадаги фуран бирикмалари заводида пирослиз кислотаси оладиган махсус қурилма яратишдан иборат.

Биз юқорида заводда Россия Федерацияси институтлари кўмагида амалга оширилаётган фан-техника тараққиёти тадбирлари тўғрисида ҳикоя қилдик. Хўш, Ўзбекистондаги илмий-тадқиқот институтлари заводга қандай ёрдам беряпти?

— Афсуски, — дейди заводнинг марказий лабораторияси бошлиғи М. А. Осовецкий, — Тошкент политехника институти ҳам, бошқа институтлар ҳам неча марта мурожаат қилишимизга қарамай, лак ва бўёқларнинг янги хилларини тайёрлашни ўзлаштиришда, ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштиришда тегишли ёрдам кўрсатмаяптилар.

Заводда бошқа нарсани ҳам гапириб беришди. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ўсимлик моддалари химияси институти илмий ходимлари анор уруғидан ёғ олишни ихтиро қилдилар. Маълум бўлишича, бу ёғ ўз таркибига кўра машҳур тунг ёғига яқин экан. Тунг ёғи лак-бўёқ материалларида ишлатилиб, у маҳсулотларнинг сифатини кескин оширади ва бўёқларнинг қуриш муддатини анча қисқартиради. Демак, тунг ёғини анор уруғидан ажратиб олинган ёғ билан алмаштириш жуда катта халқ хўжалиги аҳамиятига эга. Завод институтдан, бир неча тонна анордан ўз қурилмасида шундай ёғ олишни синаб кўришни ва бу билан кўплаб анор ёғи ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш имкони борлигини тасдиқлашни илтимос қилди. Ҳафталар ва ойлар ўтди. Бироқ институтдан ҳеч қандай акс садо чиқмади. Биз институт раҳбарлари мазкур тадқиқотнинг аҳамиятини тушуниб оладилар ва лак-бўёқ заводига ёрдам берадилар, деган умиддамиз.

Янги йилдан корхонани реконструкциялашнинг иккинчи навбати бошланди. Бу иш замонавий технология ускуналарини ўрнатиш билан қўшиб олиб борилади. Бу, муҳим ишнинг бир томони, холос. Бошқаси, энг муҳими, илғор ишлаб чиқариш технологиясини жорий қилишдир. Бу ишда заводга мадад қўлини чўзиш Россия Федерациясидаги илмий-тадқиқот институтларидан ташқари республикамиздаги олий техника ўқув юртлари ва турли тадқиқот институтлари коллективларининг бурчидир.

КПСС XXV съездида фан билан ишлаб чиқаришнинг алоқасини янада кучайтириш тўғрисида ҳам атрофлича фикр юритилди. «Биз, — деб уқтирди ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитети номидан съездга қилган Ҳисобот докладида, — **тармоқ тадқиқот институтларида, конструкторлик ва лойиҳа ташкилотларида меҳнат қилаётган, фан билан ишлаб чиқаришни бирлаштиришни бевосита таъминлаётган олим ва мутахассисларнинг ишига катта аҳамият беряпмиз».**

Тошкент лак-бўёқ заводи фақат Ўзбекистондагина эмас, балки Ўрта Осиёдаги ягона шундай корхонадир. Барча саноат корхоналари унинг маҳсулотларини мунтазирлик билан кутади. Шунинг учун ҳам корхонани кенг кўламда реконструкциялашга катта аҳамият берилмоқда. Ишлаб чиқариш ҳажмини анча ўстириш, тежамкорликни кучайтириш ҳамда тайёрланаётган лак, бўёқ ва эмаллар сифатини ошириш истиқболини реконструкция билан боғламоқдалар. Катта давлат аҳамиятига эга бўлган бу муҳим вазифани табиийки, лак-бўёқ заводининг бир ўзи эплай олмайди.

Демак, бошқа республикалардаги каби Ўзбекистондаги илмий-тадқиқот ва лойиҳа институтлари олимлари, мутахассисларнинг ёрдами жуда зарур. Тошкент политехника ҳамда ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтлари, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ўсимлик моддалари химияси институтидагилар лак-бўёқ заводининг эҳтиёжларига сезгирлик билан муносабатда бўлишларига шубҳа йўқ.

А. БУХОРБОЕВ.

Қашқадарё области. Нишон районидаги Чўли Бегимқулов номли совхозда баҳорги экиш агрегатларини ремонт қилиш жадал бормоқда. Суратда: совхоз бош инженери Баҳридин Мингяшаров (ўртада), ялғор ремонтчилардан Раззоқ Шарипов ва Суюн Эшонбоевлар ремонтдан чиққан сеялкаларни кўздан кечиришмоқда. Ш. Шаропов фотоси.

ШЎР ЮВИШ ВА ЯХОБ БЕРИШНИНГ БОРИШИ

9 ЯНВАРГА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар, иккинчи устун — бир кунда шўри ювилган майдон; учинчи устун— мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — бир кунда яхоб берилган майдон; бешинчи устун — мавсум бошидан буён (топшириққа нисбатан процент ҳисобида).

ТОШКЕНТ	—	100,0	0,2	88,0
Андижон	0,8	91,0	—	83,1
Наманган	0,9	68,1	—	41,1
Жиззах	2,0	61,7	0,5	40,2
Сурхондарё	—	58,2	0,9	76,4
Сирдарё	1,6	52,5	1,4	60,2
ҚҚАССР	0,3	50,5	—	—
Бухоро	1,0	31,6	—	—
Фарғона	0,7	26,7	0,1	42,0
Хоразм	0,4	24,1	—	—
Самарқанд	—	16,0	—	26,5
Қашқадарё	1,2	11,2	—	14,7
Республика бўйича	0,6	37,4	0,2	47,3

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Анастасия Чудная «Красний водопад» тажриба базасида узоқ йиллардан буён сут соғувчи бўлиб ишлайди. Анастасия Ивановна КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг табрик мактубини олиш бахтига муяссар бўлди. У яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VIII пленумида сўзга чиқиб, 1977 юбилей йилида қўлга киритган меҳнат ғалабалари ҳақида гапирди.

Анастасия Ивановна юбилей йилини катта меҳнат ғалабаси билан якунлади. Ўзига биркитилган 173 бош сигирнинг ҳар бошидан 4.360 килограммдан сут соғиб олди, тайёрлов пунктига пландаги 710 тонна ўрнига 750 тоннадан ортиқ серқаймоқ сут топширди, ҳар бош сигирнинг маҳсулдорлиги олдинги йилдагига нисбатан 298 килограмм, жами сут миқдори эса 56 тонна кўпайди.

Юбилей йилида бир центнер сут соғиб олишга икки ишчи соати сарфлади. Яна бир муҳим кўрсаткич шу бўлдики, Анастасия Ивановна бир йилда республикамизнинг турли районларидан келган 288 соғувчига ўзининг илмий асосга қурилган бой тажрибаларини ўргатди. Бошқа иқтисодий кўрсаткичлари ҳам ҳар қачонгидан юқори бўлди.

Бундай муваффақиятга қандай қилиб эришди? У фан-техника ютуқларини ёқтирадиган, ҳаётга дадил татбиқ этадиган, ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам талабчан аёл. Белгиланган планлар ва юксак социалистик мажбуриятларни шараф билан бажариш учун астойдил курашади. Иш вақтининг ҳар дақиқасидан унумли фойдаланади. Энг муҳими — чорвадорлик касбини шарафлашни муқаддас бурч деб билади. Ана шу фазилатлар тажриба база коллективида ҳам мужассамлашган.

Анастасия Ивановна йилнинг тўрт фаслида ҳам сигирларни белгиланган бир вақтда озиқлантириш ва соғишни одат қилиб олган. Бу тартиб бузилса, сигирларнинг сути 10-15 кун камайиб кетади, унинг ўрнини тўлдириш қийин бўлади. Ҳамма чорвадорларимиз унинг бу иш услубини кенг қўлласалар яхши натижаларга эришадилар.

Қиш фаслида сигирлардан кўп сут олиш учун уларнинг емишини кўпайтириш керак. Тун узоқ, кун эса қисқа. Шу важдан сигирларни тунда камида бир марта тўйдириб озиқлантириш ва суғориш лозим. Лекин озуқани устма-уст бериб, исроф-гарчиликка йўл қўйиб бўлмайди. Ҳаво совуқ кунлар ва тунларда мутахассислар сигирларни озиқлантириш устидан назоратни кучайтиришлари, сутни кўпайтиришга қаратилган тадбирларни амалга оширишлари лозим.

Янги туққан сигирлар парвариши ҳамманинг диққат марказида бўлмоғи даркор. Уларга қўшимча озуқалар берилиши, иссиқхоналарда сақланиши, чанқатмай суғорилиши талаб этилади. Бу билан ҳам сут кўпайтирилади, ҳам ёш бузоқлар тўла сақлаб олинади, туёқ сони кўпайтирилади.

Сигирлардан соғиб олинган сут ўлчаниб тайёрлов пунктига топширилади. Лекин ем-хашакни тарозида тортиб сигирларнинг тунда камида бир марта тўйдириб озиқлантириш ва суғориш лозим. Лекин озуқани устма-уст бериб, исроф-гарчиликка йўл қўйиб бўлмайди. Ҳаво совуқ кунлар ва тунларда мутахассислар сигирларни озиқлантириш устидан назоратни кучайтиришлари, сутни кўпайтиришга қаратилган тадбирларни амалга оширишлари лозим.

Янги туққан сигирлар парвариши ҳамманинг диққат марказида бўлмоғи даркор. Уларга қўшимча озуқалар берилиши, иссиқхоналарда сақланиши, чанқатмай суғорилиши талаб этилади. Бу билан ҳам сут кўпайтирилади, ҳам ёш бузоқлар тўла сақлаб олинади, туёқ сони кўпайтирилади.

Сигирлардан соғиб олинган сут ўлчаниб тайёрлов пунктига топширилади. Лекин ем-хашакни тарозида тортиб сигирларнинг кўзини билиб, оқилона фойдаланишдан иборат. Ҳар килограмм озуқа сутни кўпайтириш, чорва моллар, ҳусусан ёш бузоқлар, ғучажинларни тезроқ семиртириш манфаатларига хизмат қилсин. Бу борада ҳам мутахассисларнинг роли ва масъулятини ошириш лозим.

Анастасия Ивановнанинг муваффақиятининг яна бир сири шундаки, ҳар қандай шароитда ҳам сигирлар туғишига икки ой қолганда соғишни тўхтатади, ўша сигирларни меҳр билан парваришлайди. Ҳамма жойда шундай қилиш керак. Айрим соғувчилар сут камайишидан қўрқиб сигирларни туққунча соғаверадилар. Бу ҳато. Шуни унутмаслик керакки, сигирларни соғиш туғишидан икки ой олдин тўхтатилганда улардан соғлом бузоқлар олинади, ўша икки ой давомида олинмаган сутнинг ўрни бир ярим-икки ҳисса кўпайтириб қопланади.

Сутдан чиққан сигирлар боқимини айниқса кучайтириш лозим. Баҳолонки, айрим холлярда сутдан чиққан сигирларни унутиб қўямиз. Сигирлар туққанидан кейин узоғи билан икки ойда қочирилиши керак, уларнинг қисир қолишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Ветеринария врачлари бу ишда жонбозлик кўрсатишлари талаб этилади. Машҳур соғувчи узоқ йиллардан буён сигирларнинг қисир қолишини тўла тугатди, ҳар бош сигирдан йилига камида битта соғлом, наслдор бузоқ оляпти. Сигирлар ҳар йили бузоқлаб турсагина ҳам сут, ҳам гўшт, ҳам туёқ соғи кўпаяди.

Пленум қарорларида хўжаликлараро корхоналар ва комплексларда ёш молларни боқиб ўстириш ва бўрдоқигача боқиш кучайтирилиши лозимлиги таъкидланди. Шуни айтиш керакки, ихтисослаштириш асосида чорва комплексларида парваришланган ёш қорамоллар ҳар бош сигирга кунига 10 килограммдан лавлаги едиряпти. Бу эса сутнинг кўп ва серкаймоқ бўлишида катта роль ўйнаяпти. Янги йилда лавлаги майдонларини янада кенгайтириш, ҳосилдорликни ошириш тадбирларини режалаб қўйдик. Бораверса хашаки лавлаги озука рационида асосий ўрин олади.

Кўп йиллик тажриба сут етиштиришни кўпайтириш, чорва молларни тезроқ семиртириш, маҳсулотлар таннархини арзонлаштиришда маккажўхори ҳал қилувчи роль ўйнашини кўрсатди. Лўнда қилиб айтганда, маккажўхори дони, силоси, поясини кўпайтирмай туриб, чорвачиликни ривожлантириш анча мушкул ишдир. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети шуни ҳисобга олиб, маккажўхорикорликка ғоятда катта эътибор бермоқда. А. Чудная ҳар бош сигирдан бир килограмм сут соғиб олиш учун ўртача 300 грамм концентрат сарфлаяпти, унинг асосий қисмини маккажўхори дони ташкил этади. Биз ўтган йили 100 гектар ерда маккажўхоридан юқори ҳосил олдик, етарли миқдорда концентрат, силос тайёрладик, қиш фаслида бу қимматбаҳо озуқа сут ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни кўпайтиришда биринчи даражали аҳамият касб этмоқда. Пленум қарорлари асосида ижарабо дона тайёрлашни кўпайтириш учун ҳамма резервни ҳисобга олган ҳолда кўклам экин мавсумига ҳозиридан пухта тараддуд кўришимиз керак.

Чорва моллар, ҳусусан сигирларни йилнинг тўрт фаслида ҳам кўк ўтлар билан боқиш муаммосини ҳал қилиш муҳим вазифа бўлиб турибди. Бу борада Сурхондарё области чорвадорларидан намуна олса арзийди. Улар маккажўхоридан муттасил икки марта юқори ҳосил олмоқдалар. Арпа, буғдой ўрнига такрор экилган маккажўхори юқори ҳосил беряпти. Айрим хўжаликлар ҳатто бачки поя сифатида учинчи хирмон кўтармоқдалар. Шундай қилиб, сигирлар ноябрь, ҳатто декабрь ойининг охирида кўк ўтлар билан боқиляпти. Сурхондарёликлар жавдар, сули етиштиришни ҳам кўпайтирмоқдалар. Республикамиз бўйича рапс ўтини ҳамма жойда кўпроқ экишимиз мақсадга мувофиқдир. Сигирлар зотга бағишланган ҳолда айниқса кўпроқ туғади, бу пайтда уларнинг кўк ўтларга бўлган эҳтиёжи ортади. Шунинг учун барча хил кўк ўтларни кўпроқ экиш, катта хирмон кўтариш чораларини кўрмоғимиз керак.

Ҳозир чорвадорларимиз энг масъулиятли даврга кирдилар. Қишлоқ қизғин давом этяпти, қаттиқ совуқлар бўлди, бундан кейин ҳам бўлиши мумкин. Биз чорвадорлар ҳар қандай шароитда ҳам сут ва гўшт, тухум ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни бутун чоралар билан кучайтиришимиз керак. Пленум чорвадорларимиз олдига ана шундай вазифаларни қўйди.

Қиш фаслида қийинчиликлар бошқа фаслларга нисбатан кўпроқ бўлади. Ҳамма бир жон, бир тан бўлиб астойдил ҳаракат қилса, қишловни соз ва бехатар ўтказишимиз, сут ва бошқа маҳсулотларни кўпайтиришимиз мумкин ва лозим. Бунинг учун барча чорвадорлар, жамоатчиликнинг чорва моллар тақдири учун масъулиятини кучайтириш, социалистик мусобақа мажбуриятларининг бажарилишини мунтазам текшириб бориш, шахсий манфаатдорликни кучайтириш талаб этилади.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Анастасия Чудная 1978 йилда боқимидаги 175 бош сигирдан 761 тонна сут соғиб олишга сўз берди. Унинг ватанпарварлик ташаббуси республикамиз барча чорвадорларининг мулкига айланади деган умиддамиз.

Ш. АКМАЛХОНОВ,
Ўзбекистон ССР чорвачилик илмий-тадқиқот институтининг директори.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ VIII ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ЧУДНАЯ ТАЖРИБАСИ— ЧОРВАДОРЛАР МУЛКИ

«Совет Ўзбекистони» ва ЎзТАГ мухбирлари хабар қиладилар:

БЕҚАСАМНИ АВТОМАТЛАР ТЎҚИМОҚДА

Намангандаги аврли газламалар комбинатида янги йил бошиданоқ юксак унумдорликка эришилмоқда. Бунга янги техника ва илғор технологияни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш туфайли эришилди. Бугун кечагидан, эртага эса бугунгидан ҳам яхшироқ ишлаймиз. Корхона ишчиларининг шиори ана шундай. Улар меҳнатга ижодий муносабатда ёндашиб, юксак уюшқоқлик кўрсатаётирлар ва ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштиришга эса катта эътибор бермоқдалар. Комбинатда бекасам ишлаб чиқаришни тўла автоматлаштирувчи янги технологик линия ишга туширилди. Эскирган дастгоҳлар ўрнига серунум «АТ-100-5 М» типидаги автоматик станоклар ўрнатилди. Бу тадбир меҳнат унумдорлигини 20 процент кўтаришга, маҳсулот сифатини яхшилашга ёрдам берди. Корхонада СССР янги Конституцияси қабул қилинганлигининг бир йиллиги кунигача яна анча маҳсулот ишлаб чиқаришни автоматлар зиммасига юклатиш мўлжалланмоқда.

АВТОМОБИЛ ВОКЗАЛИ

Фарғона районининг маркази қадимий Водил қишлоғида яна бир янги қурилиш— автомобиль вокзали фойдаланишга топширилди. Автомобиль вокзалида йўловчилар ва уларга хизмат қиладиган ходимлар учун барча қулайликлар мавжуд. Юз кишига мўлжалланган кутиш зали, оналар ва болалар хонаси, кенг кассалар, шофёрлар учун дам оладиган ҳоналар бор. Водилдан ҳозир Ўзбекистон ва Қирғизистоннинг ўн бешдан ортиқроқ шаҳар ва қишлоқларига мунтазам равишда автобус қатнаб туради.

ВАҚТДАН ЎЗИБ

Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли Наманган шойи газламалар комбинатида Ф. Камолов ва В. Ломакин бошлиқ тўқувчилар бригадалари тўрт йиллик планни бажариб қўйдилар. Бу эса хизмат зонасини кенгайтириш, меҳнатнинг жадал усулларини ўзлаштириш натижасидир. Илғор коллективлар СССР янги Конституцияси қабул қилинган кунга қадар ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йили программасини бажаришни мўлжаллаб турибдилар.

МЕҲНАТ ИЛМИЙ ТАШКИЛ ЭТИЛГАЧ...

«Навоиазот» ишлаб чиқариш бирлашмасида бир кечакундузда аммиак ишлаб чиқариш 145 тонна кўпайди. Бу ерда корхонани қайта қуриш поёнича етказилди. Цехда янги ускуна монтаж қилинди, меҳнатни илмий ташкил этиш жорий қилинди, технология режими устидан қатъий контроллик ўрнатилди. Шу туфайли меҳнат унумдорлиги ортиб, ускуналарнинг бекор туриши камайди.

оламда нима гап

ЖАҲОН ГАЗЕТАЛАРИ САҲИФАЛАРИДА

Чехословакиянинг «Руде право» газетаси қуйидагиларни ёзади: КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев «Правда» газетаси мухбирининг саволларига қайтарган жавобларида нейтрон бомба ишлаб чиқаришдан ўзаро воз кечиш тўғрисида аҳдлашишни Ғарб давлатларига таклиф қилган эди. Бу таклиф бутун дунёда гоят кенг қўламда қўллаб-қувватланди. Бу муҳим ташаббус юз миллионлаб кишиларнинг туб манфаатларига, уларнинг нейтрон ажал хавфидан холи бўлган дунёда яшашдан иборат муддаоларига мос бўлиб тушади. ЧССР халқи Совет Иттифоқи таклифини тўла-тўкис қўллаб-қувватлайди. Унинг амалга оширилиши учун изчиллик билан курашади, деб таъкидлайди газета.

ГДР матбуоти республика портларидаги ёшлар бригадалари меҳнат унумдорлигини ошириш учун курашда қўлга киритган катта муваффақиятлар тўғрисида хабар қилади. Ёшларнинг бу бригадалари ГДР билан Совет Иттифоқи портлари ўртасида қатнайдиган кемаларга юк ортиш ва уларнинг юкини тушириш билан банд. Янги технология жорий этилганлиги, СССРдаги ва социалистик ҳамдўстликнинг бошқа мамлакатларидаги ҳамкасблар билан доимо тажриба алмашиб турилганлиги туфайли шундай натижаларга эришилди, деб таъкидлайди газеталар.

Будапешт матбуоти халқ Венгрияси қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари эришган муваффақиятлар тўғрисида ёзади. Бошланган янги йилда республикада қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш қўзда тутилади.

Польшадаги «Жиче Варшави» газетаси 1978 йил планига мувофиқ Польша Халқ Республикасида 313,1 минг квартира қуриш кўзда тутилганлигини хабар қилади.

Ханойда чиқадиган «Нянзан» газетаси «ҳамма нарса ишлаб чиқариш учун, ҳамма нарса социализм қурилиши учун» рубрикаси остида дала ишлари қизитиб юборилгани ҳақидаги, шунингдек ВСРда янги иқтисодий районларни вужудга келтириш планларининг амалга оширилаётганлиги тўғрисидаги материалларни эълон қилган.

Америка матбуоти БМТ секретариати тайёрлаган махсус тадқиқот тўғрисида хабар беради. Бу тадқиқот БМТ Хавфсизлик Кенгашига қуролсизланишга бағишланган махсус сессиясини чақириш юзасидан тайёргарлик комитетига кўриб чиқиш учун тақдим этилади. Тадқиқотда уқтириладики, жаҳон ҳамжамияти СССРнинг БМТ хавфсизлик кенгашига доимий аъзо бўлган давлатларнинг ҳарбий бюджетини 10 процент қисқартириш ва тежаб қолинган маблағларнинг бир қисмидан ривожланаётган мамлакатларга ёрдам бериш учун фойдаланиш тўғрисидаги таклифини маъқуллайди.

Болгарияда чиқадиган «Народна армия» газетаси «Яқин Шарқдаги вазиятни ким мураккаблаштирмоқда» сарлавҳаси остидаги шарҳида шуни уқтириб ёзадики, Садатнинг сепарат хатти-ҳаракатлари Яқин Шарқ проблемасини барча манфаатдор томонларнинг иштирокида адолатли ҳал этишни номаълум муддатга суриб қўяди.

(ТАСС).

БОЛАЛАРНИНГ КУЧИДАН ФОЙДАЛАНМОҚДАЛАР

РИМ. (ТАСС мухбири). Адрнано Коста 15 ёшга ҳам тўлмай, меҳнат зўрлик қилиб, шаҳар касалхоналаридан бирида вафот этди. У корхона хўжайинининг буйруғи билан цемент тўлдирилган қопни кўтармоқчи бўлган эди.

Мактабга бориш ўрнига ишлашга мажбур бўлган бу ўсмирнинг тақдири ҳозирги Италия учун характерли воқеадир. Махсус комиссия яқинда Турин шаҳри ёнидаги Сеттимо-Торинесе шаҳрида болалар меҳнатидан шафқатсизларча фойдаланилаётганлиги ва меҳнат қонунлари кўпол равишда бузилаётганлигини аниқлади. Ўнлаб ишчилар собиқ гараж биноларида, санитария қоидаларига хилоф бўлган қоронғи ва зах биноларда ишламоқдалар. Бу ишчилар ҳали 14 ёшга ҳам кирган эмас. Болаларни эрталабдан кечгача ишлашга мажбур этиб, уларнинг кучидан шафқатсизлик билан фойдаланмоқдалар.

Яқинда Италияда 15 ёшдан кичик болаларни ишга қабул қилишни тақиқловчи қонун чиқарилган эди. Аммо ўтакетган қашшоқлик ва ишсизлик кўп ота-оналарни ўз болаларини ишга юборишга мажбур қилмоқда. Италия умуммеҳнат конфедерациясининг хабар беришича, 8 ёшдан 14 ёшгача бўлган 500 мингдан кўп италиялик болалар экономиканинг турли соҳаларида ишламоқдалар. «Мессажеро» газетасининг маълумотларига қараганда, Милан шаҳрининг ўзидагина 55 мингга яқин бола ишламоқда.



ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

БУДАПЕШТ. Венгриянинг кўмир ва нефть қазиб чиқариш саноати ходимлари 1977 йилда катта меҳнат муваффақиятларини қўлга киритдилар. Улар 25,4 миллион тонна кўмир, 2,2 миллион тонна нефть ва 6,6 миллиард кубометр табиий газ қазиб чиқардилар. Бу кўрсаткичлар йиллик топшириқлардан ортиқдир. Венгер шахтёрлари ва нефтчиларининг муваффақиятига меҳнат унумдорлигини ошириш, илғор иш методларини жорий этиш, Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига социалистик мусобақани кенг авж олдириш туфайли эришилди.

АДДИС-АБЕБА. Эфиопия пойтахтида сиёсий семинар ўз ишини тамомлади. Семинарда мамлакат касаба союзлари, ишчи комитетлари ва жамоат ташкилотларининг бир мингдан кўпроқ вакиллари қатнашди. Семинар иштирокчилари ҳозирги босқичда касаба союзларининг мақсадлари ва вазифаларини, меҳнаткашларнинг Эфиопия миллий-демократик революциясидаги ролини муҳокама қилдилар. Эфиопия меҳнаткашларининг халқаро ишчилар ҳаракати билан алоқаларини мустаҳкамлаш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

БУЭНОС-АЙРЕС. Уруғвайда озиқ-овқат маҳсулотлари яна қимматлашди. Монтевидеодан олинган хабарларга кўра, нон нархи ўрта ҳисобда 13-20 процент, макарон маҳсулотлари нархи 14,5-18 процент ошган. (ТАСС).

Румин қурувчилари аҳолига кўплаб чиройли ва қулай уй-жой бинолари қуриш ҳақидаги социалистик мажбуриятларини шараф билан бажармоқдалар.

Руминия машинасозлик саноати корхоналарининг ишчилари эса беш йилликнинг дастлабки икки йили планини муддатидан илгари бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар.

Суратларда: Руминия пойтахтидаги янги турар-жой массиви ва оғир машинасозлик заводининг йиғув цехи.

Аджерпресс — ТАСС фотолари.

АҚШ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ САФАРИ НИМАНИ КЎРСАТДИ

«Нью-Йорк таймс» газетаси АҚШ Президенти Ж. Картернинг чет элларга қилган сафарини «Ер курасининг ярмига яшин тезлигида қилинган юриш» деб атади. Ж. Картер тўққиз кун мобайнида ижтимоий-сиёсий тузуми турлича бўлган етти мамлакатга борди ва АҚШнинг энергетика соҳасидаги қийинчиликларидан тортиб Яқин Шарқ танглиги ва халқаро кескинликни юмшатиш масалаларигача мураккаб проблемаларни шу мамлакатларнинг раҳбарлари билан мухокама қилди.

Америка матбуотининг фикрича, Оқ уйнинг хўжайини бу сафарида аввало Қўшма Штатларнинг шу жаҳонда «жуда катта» роль ўйнаётганлигини намойиш қилишни ва айни вақтда ана шу мамлакатларнинг ташқи сиёсий йўлига баъзи тузатишлар киритишни истаган. Президентнинг миллий хавфсизлик масалалари бўйича шуғулланувчи ёрдамчиси З. Бжезинский унга ҳамроҳ бўлиб борган эди. З. Бжезинский қуйидагиларни айтди: «бунда гап Америка сиёсатини халқаро миқёсда содир бўлаётган ўзгаришлар жараёнига мослаштириш тўғрисида боряпти».

Кузатувчилар президентнинг сафари Америка маъмуриятининг ички сиёсий проблемалари билан ҳам боғлиқ деб ҳисоблайдилар. «Лос Анжелес таймс» газетасининг ёзишича, президент ана шу сафар «Қўшма Штатлардаги жамоатчилик фикрини суриштириб билиш вақтида кўпроқ овоз олишга ёрдам беради», деб умид боғлаган. Гап шундаки, мамлакатда ишсизлик жуда авж олиб кетган, инфляция ўсиб бораётган бир шароитда, шунингдек Ж. Картер сайлов арафасида берган ваъдаларини бажарилмай қолганлиги натижасида Америка халқи орасида унинг обрў-эътибори гоят пасайиб кетди. Шу сабабдан Американинг таниқли обзорчиси Т. Уикер президент ташқи сиёсат соҳасида актив ҳаракат қилиб ном чиқармоқчи бўлди, деб ҳисоблайди.

Президент дастлаб Польшанинг пойтахти Варшавага келди. Польша Халқ Республикасига қилинган визит самарали бўлди. Бу визит чет эллик меҳмоннинг социалистик мамлакатлар халқларининг тинчлиқка, ҳамкорликка ва кескинликни юмшатишга интилаётганлигини кўриб ишончи ҳосил қилишга ёрдам берди. Ж. Картер ўз нутқларидан бирида шу гапларни айтди: «поляк ва совет халқлари каби халқлар ҳеч қачон биринчи бўлиб уруш бошламасликларига ҳар қачонгидан кўра кўпроқ амин бўлдим».

Америка президенти Теҳронда Эрон шоҳи билан махфий музокаралар олиб борди. Бу музокаралар тамом бўлганидан кейин АҚШ Эронга 6-8 та ядро реактори етказиб беришга рози бўлганлиги эълон қилинди. Аммо АҚШ бу мамлакат билан «бошқача муносабатлар» ўрнатганлиги ҳаммага маълум. АҚШ Эронни Форс кўрфази районида ўзининг форпости деб ҳисоблайди ва Эронни энг янги қуроллар билан кўп миқдорда таъминлаб келмоқда.

АҚШнинг Ҳиндистон билан «анъанавий дўстлиги» тикланганлигини намойиш қилиши лозим бўлган Ҳиндистондаги вазият Америка президенти учун унча ҳам муваффақиятли бўлмади. Ҳинд жамоатчилиги ва матбуоти унинг АҚШ Ҳиндистон ташқи сиёсатининг баъзи жиҳатларига «тузатиш» киритиш ниятида эканлиги тўғрисида яқинда айтган гапларини эсдан чиқаргани йўқ. Ж. Картер Деҳлида норозилик намойишига дуч келди. «Пэтриот». «Ҳиндустан таймс» газеталари ва бошқа бир қанча газеталар Вашингтоннинг мамлакат ички ишларига аралашиш йўлидаги уринишларини қоралади.

Кузатувчилар якдиллик билан изҳор қилаётган фикрга кўра, президент чет элларга қилган сафари вақтида Яқин Шарқ проблемаси унинг диққат марказида турмайдиган ва фақат Исроилнинг манфаатларига мос бўлиб тушадиган йўлни Мисрга мажбурлаб қабул қилдиришга уринмоқдалар.

АҚШ президентининг сафари Парижга, шунингдек НАТОнинг штаб квартираси жойлашган Брюсселга қилинган визит билан тамом бўлди. Президентнинг бу сафарлари АҚШ билан унинг Ғарбий Европадаги шериклари ўртасида «иттифоқчилик алоқалари»нинг мустаҳкамлаш мақсадини кўзда тутди. Вашингтоннинг ядро қуролининг янги тури нейтрон бомбани Ғарбий Европа мамлакатларига мажбуран қабул қилдиришга уринаётганлиги бу алоқаларнинг чин моҳиятини яққол исбот қилади.

Ж. Картернинг чет элларга қилган сафари жаҳондаги асосий капиталистик давлатнинг ташқи сиёсий йўли зиддиятли бўлиб, ичил эмаслигини яна бир марта кўрсатди. Бу сафар вақтида Вашингтон ядро билан қуролланиш пойгасини жиловлаб қўйиш ва Совет Иттифоқи билан ҳамда бошқа социалистик мамлакатлар билан ҳамкорликни кенгайтиришга интилаётганлиги тўғрисидаги гапларни рўкач қилиш билан бир қаторда АҚШ зравонлик сиёсатини давом эттириш ва ўзининг гаразли манфаатларигагина мос бўлиб тушадиган «қарорлар»ни бошқа мамлакатларга ва ҳатто бутун бир регионга мажбуран қабул қилдириш учун очиқдан-очиқ уриниб кўрди.

Ю. РОМАНЦОВ.
(ТАСС).

МУҲАББАТ ИҚРОРИ

Маданият усталари

Ҳар бир актёрнинг тақдири ўзига хос тарзда шаклланади. Кимдир профессионал маълумотга эга бўлиши биланоқ катта, шуҳрат қозонган коллективларда муваффақият билан иш бошлайди, бошқалари эса йиллар давомида машаққатли меҳнат ва изланишлар туфайли шуҳрат қозонадилар. Шуҳрат, ҳақиқий халқ муҳаббати эса кўпинча санъатда ўз мавзуини топган, юксак маҳорат касб этган етук ёшдаги кишиларга насиб бўлади.

Лекин давр бу ўринда ҳам ўз тузатишларини киритмай қолмайди. Октябрь революцияси ғалабасидан кейин янги совет театри ибтидосида турган кишилар тақдирида ҳайратланишга муносиб фазилатлар бирмунча.

...Ўзбекистонлик хонанда Ҳалима Носирова йигирма уч ёшида СССР халқ артисткаси унвонини олишга мушарраф бўлди, унинг меҳнати ҳукуматнинг олий мукофоти — Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди. Носирова — рус вокал мактаби ютуқларини эгаллаган, опера партияларида чиққан биринчи миллий хонандадир. Ниҳоят, у — классик ўзбек музика асарларини омма орасида ижро этган биринчи аёлдир.

У билан бирга санъатда ўз йўлини бошлаган республика халқ артисткаси Назира Алиева Москвада ўтган биринчи Ўзбекистон санъати декадаси қатнашчиларини Тошкентда қандай кутиб олганликларини хотирлайди. Бу учрашув оммавий байрам тусини олди. Одамлар қўлларида гул ва совғалар билан кўчаларни тўлдирдилар ва ҳар бир киши ўз совғаси ва гули албатта Ҳалиманинг қўлига тегишини истарди. Республика Марказий Ижроия Комитетининг Раиси Й. Охунбобоев артистларни табриклар экан, Носировага шундай деди: «Сиз, Ҳалима, ўзбеклар булбулисиз, сиз — бизнинг ғуруримизсиз». Ва минглаб кишилар ана шу сўзларни такрорлардилар. Бу воқеа ўттизинчи йилларда содир бўлган ва у пайт аёл актрисанинг омма орасида чиқишини тасаввур этиш мушкул бўлган давр эди.

...Отаси вафот этганида Ҳалима ҳали ниҳоятда ёш эди. Камбағал оиланинг қолган қутган буюмларини ҳам босмачилар талаб кетишди. Ҳалиманинг онаси болаларини эргаштириб Қўқонга боришга қарор қилди. Қарор қилишга қилдию, уларни қандай қилиб боқишни тасаввур қилолмасди. Лекин давр энди бошқача эди. Одамлар Ҳосиятхонга паранжи ташлаган аёлнинг ишлаётган уйини кўрсатиб қўйишди. Қашшоқ Носировнинг оиласи тақдир тақозоси билан Тўрахон ая ва Тожихон Шодиева каби активлар ишлаётган хотин-қизлар бўлими ходималари билан учрашди. Ҳосиятни янги ҳаёт учун актив курашга чоғладилар. Унинг болаларини эса интернатга жойлаштирдилар. Болалар бу ерда кўпдан бери биринчи бор тўйиб овқатландилар.

Ҳали жуда ёш бўлган Ҳалима катталардан эшитган қўшиқларни ҳиргойи қилишни севарди. Лекин ким билади дейсиз. Қўқон боғларидан бирига келган хонанданинг концертига тасодифан кириб қолмаганида Ҳалимада санъатни ўз

касбига айлантириш фикри туғилармиди-йўқми.

— У жуда навқирон эди, тўда орасидан лаънатлар ёғилиб турган пайтда ҳам ишонч билан қўшиқ куйлади. Бу эса томошабин аёллар қалбида жасорат туйғусини парваришларди, — деб эслайди Носирова.

— Бу актрисанинг номи Тамарахоним эди...

Орадан бир неча йиллар ўтгач ҳали техникум талабаси бўлган Ҳалима Жаборлининг «Ойдин» пьесаси асосидаги спектаклда Гултекин ролини ўйнади. Бу ролни у ўзининг қадрдон Қўқонида саҳнага олиб чиқди. Лекин саҳнага чиқиш биланоқ дўқ-пўписаларга дуч келди. Бироқ Ҳалима ўзини актриса деб ҳис қила бошлаганди. Юзларида табассум билан унинг лабларида илк сўзлар жарангладилар... У Шарқнинг янги аёли номидан, Совет даври хотин-қизлари номидан сўзларди. У жоҳиллар томонидан қурбон қилинган Нурхон Йўлдошхўжаева ва Турсуной Саидазимоваларни биларди. Ўн беш ёшида Носирова «Ҳалима» драмасидаги бош ролни ўйнади, унга қадар бу ролни Турсуной Саидазимова ижро қиларди. Навқирон актриса ўз қайнонасининг машаққатли тарихидан ҳаққоний ҳикоя яратар экан, катта драматик талантини намойиш этди.

Артисткани ижодий йўли ҳақидаги ҳикоя бошқа бир кишининг номи айтиб ўтилмасдан мукаммал бўлмайди.

— Ҳаётимга дўст ва умр йўлдошим Комил Яшин кириб келганидан бери кўп йиллар ўтди, — деб эслайди Ҳалима. — У муаллим ҳамда бошловчи адиб эди. Ўшанда кишининг хотин-қизлар озодлиги масаласига муносабати унинг қандай эканлигини ҳаммадан кўра ёрқинроқ характерлаб берарди. Кунларнинг бирида Яшин бироз тортиниб менга ўзининг «Қўшни аёлга» шеърини ўқиб берди. Унда дугоналарим қисмати шу қадар равшан англатилган, шунчалик ҳис этилган эдики, менинг уй ва умидларимга мана шу мисралар муаллифигина шерик бўлишини тушундим. Мен янглишмадим.

К. Яшиннинг «Икки коммунист» пьесаси Носированинг орзусини — курашчан аёл ролини ўйнашдек умидини рўёбга чиқарди. Катта Фарғона канали қурилишида Ҳалиманинг қўшиқлари тез-тез жарангларди. Ҳар қандай майдон саҳна бўлиб хизмат қиларди. Шундан кейин эса актёрлар қурувчилар билан бирга ишга жўнардилар. Ана шу меҳнат эпопеясининг гувоҳи ва иштирокчиси К. Яшин М. Раҳмон билан бирликда «Улуғ канал» операсининг либреттосини ёзди.

Ҳалиманинг ҳаёти давомида кўплаб йўллар орқада қолди, кўплаб мамлакатлар унинг санъати билан ошно бўлдилар. Лекин унинг қалб ҳарорати ва назокати аввалгидек ўзбек қўшиқларида намоён бўлмоқда. Бу қўшиқларни у Монреалда ўтган «ЭКСПО-67» халқаро кўргазмасида ҳам куйлади. Совет артистлари концертини тинглаган томошабинлар орасида қачонлардир ота-онаси Канадага кўчиб кетганларнинг фарзандлари бўлмиш ўзбеклар ҳам бор эди. Улар хонанда билан бирга йўқотилган Ватан ҳақидаги қайғу-ҳасрат тўла қадимий қўшиқ сўзларини такрорлардилар. Канада газеталари ёзганларидек, ўзининг кенг репертуари, маҳорати билан Носирова Совет Ўзбекистони муваффақиятларини, унинг маданияти жилоларини намойиш қилди.

Актриса ҳаётининг эллик йили санъатга бағишланди. Ва ҳозир ҳам, орадан ярим аср ўтсада, хонанданинг ҳар бир чиқиши воқеага айланади ҳамда катта ҳаяжон билан тингланади. Унинг катта ёшдаги набиралари ўз бувиларини ўнқир чўнқир йўлларда силтанган автобусда кузатиб борар эканлар, уларда биргина фикр—концерт майдонига бориш билан дам олиш истаги ҳукмрон бўлишини ҳикоя қиладилар. Ҳақиқий халқ артисткаси Носирова эса ҳамиша худди ёшлардек ҳаяжон билан саҳнага чиқади, ҳориш деган нарса гўё унга буткул бегона.

Республиканинг олис бурчакларигача чиққан Ҳалиманинг концертлари регламент билмайди — тонгдан то кечга қадар давом этади. Унинг ижоди билан яхши таниш бўлган томошабинлар ундан янги-янги қўшиқлар талаб қилишади — Ўзбекистонда жуда кўпчилик куйлайди, музика ва рақсни эса болалардан то қариялargача деярли ҳамма севади. Актриса бу илтимосларни қувонч билан бажо келтиради. Баъзан колхоз клубида тун ярмидан оғганида ҳам унинг қўшиқлари янграб туради...

Менинг учун, — дейди Носирова,— Л. Н. Толстойнинг олим ва санъаткор осойишталикдан воз кечиб ўзини қурбон қилганидагина ўз бурчини англаши ва исбот қилиши мумкин, деган сўзлари кашфиёт бўлди... Бу фикр билан мени қачондир Антонина Васильевна Нежданова таништирган эди. Санъатдаги узоқ йиллик меҳнат, ўз ишимга меҳр, унга садоқат туфайли шу нарсага иқрор бўлдимки, осойишталик ва ижод бир-бири билан асло чиқишмайди. Томошабин санъаткор билан бирга кулар ва кўз ёши тўкар экан, актёрга бундан ортиқ мукофот йўқ. Шунинг учун ҳам осойишталикка менда тоқат йўқ...

Ўзбекистонда артистка шарафига исмлари Ҳалима деб қўйилган юзлаб қизлар яшайди. Унинг шаънига шеърлар ва поэмалар битилган, болалар чизган суратлар ҳамда халқ усталари томонидан яратилган совға буюмлар унинг таланти мухлисларининг қалб ташаккуридир.

...Суҳбатимиз чўзилиб борарди. Албатта, ана шу аснода бусиз ҳам толиққан актрисани куйлаб беришга таклиф қилишга ҳеч ким журъат эта олмасди. Лекин унинг ўзи ҳеч кандай илтимосларсиз ҳарорат ва сидқидилдан қўшиқ бошларди. Аккомпанементсиз, гримсиз ва костюмсиз қуёш ёғдуси тушиб турган деразa томон юзини ўгириб, ўз санъати қудратини намойиш этиб гоҳ болгар қизи, гоҳ кореянкага айланар, гоҳо эса ўзбек аёлининг тақдиридан қўшиқ куйларди. Шунда беихтиёр кишиларга қувонч бағишлашга қодир талант ва илҳомни бутун бир умр йўлидан олиб ўтиш қанчалар бахт, — деган ўй кечади хаёлдан.

А. РИШИНА.

[«ПРАВДА», 9 январь].

Тошкент шаҳри.

Кун сайин кўкка бўй чўзаётган кўп қаватли осмон ўпар бинолар серҳуёш Тошкент кўркига кўрк қўшмоқда. Суратда: шаҳарнинг Богдан Хмельницкий кўчасида қад кўтарган 500 квартирали янги уй-жойлар.

И. Глауберзон фотоси.

СПОРТ

«ОЛИМПИАДА-80»:

ЗАРДЎЗЛАР ТУҲФАСИ

Ватанимиз пойтахтида бўлажак XXII Олимпиада ўйинларига бухоролик зардўзлар муносиб туҳфалар ҳозирлашмоқда. Бухородаги зардўзлик фабрикаси ҳамда маҳаллий саноат область бошқармасининг металлга зарб бериш цехи коллективлари беш туташ халқадан иборат Олимпиада рамзий белгиси туширилган буюмларни ишлаб чиқаришга киришдилар. Зардўзлардан М. Султонов билан Б. Ҳамидова духобага зар иплар билан Олимпиада белгиси ифода этилган вимпелларни тайёрламоқдалар. «Муҳаббат», «Малика», «Чоргул» ва «Маҳбуба» каби зардуз дўппиларга Олимпиада рамзий белгисидан иборат безаклар ишланмоқда. Металлга зарб берувчи усталарнинг ликопчасифат подносларга Олимпиада белгиларини туширишлари ҳам диққатга сазовор бўлмоқда. Бухоролик усталар йил охиригача Олимпиадага мўлжалланган совғалардан кўплаб ишлаб чиқаришни кўзда тутмоқдалар.

Чуст бадиий буюмлар фабрикасида ҳам Олимпиада рамзий белгиси акс эттирилган совғалар ишлаб чиқарилмоқда. Жумладан, моҳир чевар Хурсандой Дадабоева Чуст дўпписи гуллари ўрнига Олимпиада белгиси ҳамда «Москва — 1980» сўзларини ўхшатиб ифода этолди. Моҳир дўппидўзнинг бу маҳсулоти XXII Олимпиада ташкилий комитетининг дипломига лойиқ кўрилди.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА:

СТУДЕНТЛАР БЕЛЛАШГАНДА

Тошкентдаги «Ёшлик» спорт аренасида «Буревестник» кўнгилли спорт жамияти республика Советининг биринчилиги ўтказилди. Бўлажак йирик мусобақаларга кучлиларни саралаш баҳсида қарийб барча областлардан 350 енгил атлетикачи ўзаро беллашди. Жумладан, 60 метрга ғовлар оша югуришда А. Харлов билан П. Воробьёв яхши натижа кўрсатишди. Баландликка сакрашда Е. Савельева 180 сантиметрлик юксакликни забт этиб, маҳорат кўрсатди. Узунликка сакраш бўйича республика рекордига яқин натижалар кўрсатилиши мутахассисларни мамнун этди. Команда ҳисобида Ўзбекистон жисмоний тарбия институти студентлари пешқадамлик қилдилар. Фарғона ва Самарқанд вакиллари иккинчи ва учинчи фахрли ўринларни эгаллашди.

БЕЛЛАШУВЛАР, ТЎПЛАР, ОЧКОЛАР

● **БАСКЕТБОЛ.** Тошкентнинг «Университет» командаси йигитлари биринчи лига коллективлари орасида мамлакат чемпионати учрашувларини муваффақиятли давом эттирмоқдалар. Баскетболчиларимиз ўз майдонларида Краснодарнинг «Труд» командасини қабул қилиб, 119:118, 124:118 ҳисобида муваффақият қозондилар. Энди, тошкентликлар 11—12 январь кунлари «Красний котельщик» (Таганрог) коллективи билан учрашадилар.

● **СУЗИШ.** Республика пойтахтининг 110-мактаб бассейнида ўсмирлар ўртасида республика биринчилиги ўтказилди. Мусобақада «Пионерская правда» газетаси соврини учун Ижевск шаҳрида ўтказиладиган баҳсларда иштирок этувчи кучлилар сараланди.

● **ШАХМАТ.** Жаҳон чемпионлигига даъвогарлар 16-партияда ўзаро битимга рози бўлишди. Ҳисоб: Б. Спасский — В. Корчной — 7,5:8,5.

● **ФИГУРАЛИ УЧИШ.** Одессада кучли фигурачилар ўртасида ўтказилган Бутуниттифоқ мусобақасида Олимпиада чемпионлари Ирина Роднина билан Александр Зайцевлар жуфт бўлиб учишда муваффақият қозондилар. Моҳир фигурачилар ўзларининг янги эркин программали чиқишлари билан мухлислар олқишига сазовор бўлдилар. М. Черкасова билан С. Шахрай иккинчи, Г. Таирова билан А. Головкинлар учинчи ўринларни эгаллашди.

БОЛАЛАРИНГИЗГА ЎҚИБ БЕРИНГ

КУЗ БОБО

Олтинранг соч-соқоли,
Икки юзи қип-қизил.
Тилида ширин боли,
Совғаси ҳархил, сархил.
Кириб келди Куз бобо.
Ҳассасин дўқиллатиб
Планлари юз бобо.
Қувнаб, қаҳқаҳа отиб.
— Бобожон, айтинг, нега,
Соқолингиз олтинранг?
— Буни билмоқ бўлсангиз
Далаларга бир қаранг.
— Юзингиз қизиллиги,
Айтинг, бобо, нимадан?
— Шарбат, витаминга бой—
Тотиб кўргил мевадан.
Улашади Куз бобо
Совғасини барчага.
Олиб қўйдим улардан.
Қорбобога, арчага.

КОПТОГИМ

Тўп, тўп, тўп, тўп,
Коптогим.
Уйнайман хўп —
Коптогим.
Айланаман,
Ким ўзмоққа
Шайланаман.
Коптогимдек қуёшни
Тутиб олгим келади.
Нурларига сочимни
Ювиб олгим келади.
Дунёдаги болаларга
Нурлар улашсам, деймав
Бахтли болалигимни
Бирга бўлишсам, деймав.

ЎЙИНҚАРОҚ БОЛА

Рустамжон ўйинқароқ,
Кўчадан келмас бери.
Бурни оққан, кир қулоқ,
Юзидан оқар тери.
Чақиради онаси:
«Еб ол, деб, овқатингни!»
Демас, кимга айтасиз?
Қолмас ҳеч тоқатингиз.
Бир замон чақди чақмоқ,
Қуйиб кетди ёмғир ҳам.
Рустамжон ивиб шу чоқ
Югуриб қолди илдам.
«Бақириб-чақиртирмай —
Нечук келдинг ҳой, ўртоқ»,
Ҳазиллашиб акалар
Кетма-кет берар сўроқ.
Дийдираб дер Рустамжон:
— Қувди момақалдироқ.

Қутби **НОСИРОВА.**

ИЗЛАНИШ ВА КАШФИЁТЛАР

Олмосларнинг касблари

Портлаш ёрдами билан пишиқлиги табиий олмосдан устун келадиган кристалларни синтез қилиш мумкин. Абразивлар, асбоблар, махсус пасталар ясашда, нозик технологик операцияларни ўтказишда шундай кристаллар қўл келади. Украина ССР Фанлар академиясининг олимлари билан республика мутахассислари саноат кўламидаги янги бир технологияни ишлаб чиқдилар.

— Бугунги кунда ишлаб чиқаришнинг қўлда ясалган ғоят қаттиқ материаллар ишлатилмаётган бирон соҳасини топиш қийин, — деди Украина ССР Фанлар академиясининг академиги И. Федорченко. — Қурилишда, кончилик ва кўмир саноатида, радиоэлектроникада, металларга ишлов беришда бундай материаллар ғоятда зарур. Уларни кенг кўламда қўллашнинг иқтисодий самаралари равшан. Масалан, ғоят қаттиқ «Славутич» материалидан ясалган битта парма искана кудуқ қазишда одатдаги 40 тасининг ўрнини боса олади. Якутия, Узоқ Шарқ, Карпатдаги пармалаш ишларида шундай асбоб қўлланилаётир. 60 дан ошиқ бирлашма ва трест мураккаб геологик шароитларда нефть ва газ разведка қилишда ундан фойдаланяпти.

(ТАСС).

реклама ВА ЭЪЛОНЛАР

Республика кинофильмлар прокати конторaси

1978 ЙИЛ ЯНВАРЬ ОЙИДА РЕСПУБЛИКА КИНОТЕАТРЛАРИ ЭКРАНЛАРИГА

«АЛЬМАНЗОР УЗУГИ»

БАДИИЙ ФИЛЬМИНИ

ЧИҚАРАДИ

(Т. Габбеннинг «Жез узуклар» пьесаси асосида яратилган музикали фильм)

Сценарий муаллифи — Валентин ВИНОГРАДОВ.

Постановкачи режиссёр — Игорь ВОЗНЕСЕНСКИЙ.

...Фантазия ва Павлиния қироли вафот этгач, бева қиролича икки қизи — инжиқ, заҳар ва хасис Августа ва ёқимтой, камтар ва очиқ хўнгил Алели билан қолади. Қиролича ва сарой ҳукамоларининг фикрича, маликаларни турмушга бериш вақти етди. Аммо буни амалга ошириш унча-мунча осон эмасди. Заҳар Августа кимга ҳам ёқарди? Алели эса кимга насиб бўлади? У қўғирчоқ ўйнайди ва ҳаммага улар ҳақида нималар ўйлашини сўзлайди, агарда кимнинг кўзида меҳр акс этмаса, уни бадбашара ҳисоблайди.

Ана шунда қиролича министр Интриго билан бирга сеҳргар Альманзордан ёрдам сўраш учун унинг ҳузурига отланишади. Альманзор қироличага иккита сеҳрли жез узук беради ва унинг эгалари бахтга эришади, — дейди. Битта узук маликага ҳадя этилади, иккинчиси эса, уни севган кишига берилади.

«Альманзор узуги» фильм-эртагини биз музикали лирик кинокомедия сифатида ҳал этдик, — деб ҳикоя қилади режиссёр Игорь Вознесенский (у бунгача «Тойчоқ», «Ҳайратли Берендеев», «Будёновка» картиналарини яратган).

Фильм ёш томошабинлар учун аталган бўлиб, унинг мазмунида ҳамиша яшовчан мавзу — яхшилик ва ёмонлик тўқнашуви ётади. Биз Альманзор узукларининг сеҳрли хоссаларига мажозий нуқтаи назардан ёндашдик, яъни ҳақиқий инсоний ҳис-туйғулар тантана қилиши лозим бўлган ўринларда маълум даражада сеҳргарликдан қочдик...

Фильмда С. Смирнова, М. Кононов, В. Тализина, Л. Дмитриева, Б. Иванов, Ф. Никитин, Р. Ткачук ва бошқалар қатнашади.

М. ГОРЬКИЙ НОМЛИ КИНОСТУДИЯ МАҲСУЛОТИ.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 10/I да **Оққуш кўли,** (12.00), **Флория Тоска** (19.00), 13/I да **Масхарабозлар.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА—10/I да **Уйланиш** (11.00), **Қор маликаси** (15.00), 13/I да **Оқшомдан тушгача** (15.00).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 12/I да **Олифта,** 13/I да **Муқаддас диёр.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 10/I да **Кўзингни каттароқ оч** (12.00, 15.00).

Кино

САНЪАТ САРОЙИ — **Хизматдош ошиқлар қиссаси** (катта зал), **Зита ва Гита** (кичик зал, кундуз ва кечқурун).

Хизматдош ошиқлар қиссаси — «ҚОЗОҒИСТОН» (12, 13, 17, 18, 20.00), «ДРУЖБА» (12, 15.10, 18, 20.30), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (18, 21.00), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», ЛИСУНОВ номли, «КЎКЧА» (кундуз ва кечқурун).

Куролланган ва жуда хавфли — «МОСКВА» (10, 12, 14, 16, 18, 19.30, 21.00), «НУКУС» (тоқ соатларда), «ВОСТОК», «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Африка фили (11, 13, 15.00), **Сиёвуш ҳақида қисса** (17, 20.00): — «КЎКЧА».

Бир крон учун романс — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (12, 14, 16.00), «ДРУЖБА» (11, 13, 14.40, 17, 19, 21.00), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ИНЖЕНЕР-ТЕХНИКА ҚИДИРУВЛАРИ ИНСТИТУТИГА (УзГИИТИ)

рейкачи ишчилар, шурф проходкачилари, пармалаш қурилмалари ва автомашиналарнинг шофёрлари, пармалаш мастерлари

КЕРАК

МЕҲНАТ ҲАҚИ ИШБАЙ.

Иш далага чиқиб ишлаш билан боғлиқ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд. 5-хона.

«Совет мактаби» журнали редакцияси коллективи журнал бош редакторининг ўринбосари Н. Қурбоновга опаси

Мушаррафхон ОХУНЖОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ботаника институти коллективи лаборатория мудири Қ. Ҳ. Ҳожиматовга акаси

Тўра Ҳожиматович ҲОЖИМАТОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг ректорати, партия комитети ва жамоат ташкилотлари диалектик ва тарихий материализм кафедрасининг доценти, кечки бўлим тарих-филология факультетининг декани Т. Қ. Қурбоновга опаси

Мушаррафхон ОХУНЖОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

АХБОРОТ

БУХОРО

Боғ-роғлар кўпаймоқда

Область колхоз, совхозлари, шаҳар ва посёлкаларида мевали ҳамда манзарали дарахт кўчатларини ўтқазиш қизғин давом этмоқда.

Ромитан районининг миришкор боғбонлари кўчат ўтқазишни айникса уюшқоқлик билан олиб боришаётир. Улар ҳозирга қадар 12 гектар ерга мевали ниҳоллар ўтқазишди.

Райoннинг «Октябрь 50 йиллиги», «Октябрь 60 йиллиги» совхозларида, Энгельс номли, «Октябрь», «Ўзбекистон» колхозларида янги боғлар барпо этилди ёки мавжудлари кенгайтирилди.

Кўчат ўтқазиш Вобкент районининг «Коммунизм», «Зарафшон», Калинин номли, Энгельс номли, «Пахтакор» колхозларида ҳам намунали ташкил этилган. Шофирконнинг «Жилвон» совхозида. Бухоро районининг боғдорчилик ва узумчилик хўжаликларида эса ток қаламчалари ўтқазиш оммавий тус олди. Ўтган қисқа муддат ичида областда 139 гектар ерга мевали кўчатлар, 587 гектар ерга ток қаламчалари ўтқазилди.

Шаҳарсифат посёлкалар

«Узгипросельстрой» лойиҳалаш институтининг Бухородаги филиали коллективи областдаги тарқоқ қишлоқлар ўрнида шаҳарсифат посёлкалар барпо этиш борасида қизғин иш олиб бормоқда.

Улар яратган лойиҳа асосида бунёд этилаётган Вобкент районининг «Вобкент» наслчилик совхози марказидаги замонавий посёлка шаҳардан қолишмайди. Турнақатор уй-жой, жамоат бинолари, озода ва кўркам хиёбонлар, йўлу йўлаклар кўзни қувонтиради. Водопровод, канализация, иситиш тармоқлари хизматидан ишчилар ниҳоятда миннатдор.

Филиал лойиҳачилари Ромитан районидаги «Ромитан», Навоий районидаги «Гигант» совхозлари учун ҳам янги, замонавий посёлкаларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаб беришди. Ҳадемай бунёдкорлар бу объектларда иш бошлаб юборадилар.

Чўпонлар учун

Бухоро қоракўлчилик совхозлари трестига қарашли ремонт-қурилиш бошқармаси бинокорлари областнинг олис яйловларида табиат инжиқликларига бардош бериб, ғайрат билан меҳнат қилаётган чўпон-чўлиқларга муносиб туҳфа ҳозирлашди.

Планда белгиланган 960 квадрат метр ўрнига 1440 квадрат метрдан зиёд уй-жой бинолари қурилиб, чўпонларга армуғон этилди. Бундай уйларда дам олиш, овқатланиш, радио эшитиш, марказ билан радиоорқали алоқа боғлаш ва бошқа имкониятлар муҳайё этилган.

Қўли гул бинокорлар қишқировли кунларда молларни махсус иссиқ биноларда сақлайдиган ва озиқлантирадиган 200 та қўтон ҳам қуриб беришди. Уларда қарийб 150 минг қўй-қўзи бемалол қишлаши мумкин.

Ҳ. ҚОДИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз

Телевидение

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Вақт». 9.35 — Гимнастика. 9.50 — Мультфильм. 10.10 — «Ёшлар ижоди». 10.35 — «Мангу даъват» (бадиий фильм, 2-серия). 11.45 — «Киносаёҳатчилар клуби». 15.00 — Ҳужжатли фильмлар. 15.55 — «Жонажон табиат». 16.15 — «Том Сойернинг саргузаштлари» (спектакль). 16.45 — «Спортчилар класси». 17.25 — «Каллеизқуварнинг саргузаштлари» (бадиий фильм, 2-серия). 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — «Инсон ва қонун» 19.15 — Концерт. 19.45 — «Магнитнинг тортиш кучи» (биринчи кўрсатув). 20.15 — «Мангу даъват» (бадиий фильм, 3-серия). 21.30 — «Вақт». 22.00 — Кучли фигурачиларнинг Бутуниттифоқ мусобақалари. 23.00 — «Анна Снегина». 23.45 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.00 — «Қорбобо, қаердасиз?» (қўғирчоқ театр). 12.00 — Телеспектакль. 13.10 — Волейбол. Қизлар ўртасида СССР зонал биринчилиги. Ўзбекистон — Қозоғистон. 18.00 — «Арча атрофида шодон ўйнаймиз». 18.30 — Қишлоқ хўжалиги ишлари кундалиги. 18.45 — «Оламда нима гап». 19.10 — «Ахборот». 19.25 — «Театр учрашувлари». 20.20 — «Ахборот». 20.40 «Кармен-сюита». 21.30 — «Вақт» (Москва). 22.00 — «Лалварлик овчи» (бадиий фильм). 23.15 — Фильм-концерт.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.00 — Болалар учун фильм. 19.30 — Биология. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Реклама. 20.35 — Ўқитувчи экрани. 21.05 — Концерт. 21.35 — Олий математика. 22.35 — «Шоирнинг ишчилар сафидаги ўрни» (бадиий ўқиш).

Радио

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Музикали драмалардан парчалар. 9.30 — Бадиий ҳаваскорлар концерти. 11.15 — «Янги уфқлар чорлайди» (очерк). 12.10 — «Ўзбекистон ишчиси». 13.00 — «Кадрлар малакаларини оширишяпти» (репортаж). 13.30 — Концерт. 14.00 — «Илғор тажриба мактаби». 19.00 — Лирик куйлар. 19.20 — «Ёшлик». 20.25 — Қорақалпоқ куйлари. 21.00 — «Қишлоқ меҳнаткашларининг талабларини бажо келтирамиз». 22.00 —Х. Жўраев ва М. Бойбоев куйлайди. 22.30 — Халқаро мавзуларда суҳбат. 22.40 — «Устоз табассуми». 23.20 — «Дам олиш соатида».

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700 000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41 * ТЕЛЕФОНЛАР: Коммутатор — 330249 дан 330258 гача Эълонлар — 338142.

Р. 02123. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Д. — 8.